






**МУХАММАД АМИНХОДЖА  
МУКИМИ**



**ИЗБРАННЫЕ  
ПРОИЗВЕДЕНИЯ**

ПОДГОТОВИЛ К ИЗДАНИЮ  
*Г. ГУЛЯМ*

ПОД РЕДАКЦИЕЙ  
*УЙГУНА*



**ГОСУДАРСТВЕННОЕ ИЗДАТЕЛЬСТВО УЗССР  
ТАШКЕНТ—1963**



МУҲАММАД АМИНХҲУЖА  
МУҚИМИЙ



ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР

НАШРГА ТАЙЁРЛОВЧИ  
ҒАФУР ҒУЛОМ

УЙҒУН  
ТАҲРИРИ ОСТИДА



ЎзССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1963





## МУҚИМИЙ

Муқимий — XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида яшаган отоқли ўзбек демократ шоирдир.

Ўзбек адабиёти ва адабий тилини ривожлантиришда Муқимийнинг хизматлари буюқдир. У меҳнаткашлар оммаси орасидан етишиб чиқди ва ўз асарларида меҳнаткашларнинг фикр ва туйғуларини, эксплуататорларга қарши қаттиқ нафратини ҳаққоний акс эттирди.

Муқимий ўз замонасининг илғор кишиси эди. У ўз кўз ўнгида содир бўлган муҳим воқналарни зийраклик билан англаб олди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшулуви прогрессив воқна бўлди. Бу қўшулув натижасида Ўрта Осиё подшо Россиясининг бир қисмига бўлиб қолмай, революцион Россиянинг, Радищевлар ва Чернышевскийлар, Желябовлар ва Ульяновлар, Халтуринлар ва Алексеевлар Россиясининг ҳам бир қисми бўлиб қолди. Ўрта Осиё халқларининг, жумладан ўзбек халқининг ҳам тақдири, Россия халқлари тақдири билан қўшилди. Ўзбек халқи улуғ рус халқининг, илғор маданиятидан баҳраманд бўлди, жаҳонда энг революцион Россия пролетариатининг озодлик ҳаракатига қўшилди. Ниҳоят, Коммунистлар партияси раҳбарлигида, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси натижасида ўзбек халқи, мамлакатимиздаги бошқа халқлар билан бирга, сиёсий, иқтисодий ва миллий зулмдан абадий озод бўлди.

Ўзбек халқининг асл фарзандлари, илғор, демократик ҳаракат намояндалари ўлкани Россияга қўшулувининг прогрессив воқна эканини ўз вақтида фаҳмлаб, уни ма'қулладилар, улуғ рус халқига ҳурмат ва муҳаббат билан қарадилар. Бу прогрессив, демократик йўналишнинг машҳур вакиллари билан бири Муқимий бўлди.

Муқимийнинг асл исми Муҳаммад Аминхўжа бўлиб, отасининг исми Мирзахўжадир. Муқимий 1850 йилда Қўқон шаҳрида туғилди

Отаси камбағал нонвой эди. Муқимий Ёшлик чоғида Қўқоннинг эски мактабларидан бирида савод чиқарди, сўнг Қўқон, Тошкент ва Бухоро мадрасаларида ўқиди. Муқимий умрининг ҳаммасини даярли Қўқон ва Қўқон атрофида ўтказди, шунинг учун ҳам тахаллусини „турғун“ ма’носида „Муқимий“ деб қўйди. Ўзи ҳам бир ше’рида:

Бир ватанди дил узиб ҳижрат қилолмай доғмен дейди.

Муқимий гоёт камбағал ҳаёт ўтказди. Донмо моддий қийинчиликлар ичида яшади. Ўзгаларнинг девонини кўчириб бериш, битта-иккита шоғирдларни ўқитиш ва чиройли хат блан нусхаларлаваҳалар ёзишдан келадиган даромад жуда оз эди. У жиянига ёзган мактубида: „...мен оламда бир фақир бечора кишиман“ дейди. Яна шундай мактубларнинг бирида, ҳовли-жойи бўлмагани учун, ҳатто бирор ишда гувоҳликка ўтаолмаганидан, мадраса ҳужрасидан суриб чиқарилганидан шикоят қилди.

Муқимий 1903 йил 25 майда Қўқон шаҳрида вафот этди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилувини натижасидан вужудга келган барча янги, прогрессив воқияларни Муқимий ма’қуллади ва табирикледи. У ҳаётдаги барча ҳолоқ, реакция томонлари қаттиқ тавқид қилди. Бу унинг юмористик асарларида — „Араванг“, „От“, „Лой“ ва бошқа ше’рларида очиқ кўринади.

Муқимийнинг сатирик асарлари алоҳида аҳамиятга эгадир. У ўз сатираларининг ўткир тигини бойларга, реакция руҳонилар ва подшо чиновникларига қарши қаратди. Унинг „Танобчилар“, „Баччагар“, „Саёҳатнома“ асарларида буни яққол кўрамай.

Муқимий эзилган меҳнаткаш деҳқонлар, камбағал касиблар, иш тополмай юрган сан’аткорларнинг аҳволига ўз аҳволидек ачиниб, куюниб „Ҳафалак“, „Кўсамен“, „Девонамен“, „Толлим“ ше’рларини ёзди.

Муқимий вжойиб сўз устаси эди. У воқи’ликни ҳаққоний ва аниқ ақс эттирди. У халқ тилидан ёрқин ва ўткир ибораларни танлаб олабиларди. Шунинг блан бирга Муқимий халқ куйларини севиб тингларди ва ўзининг кўп ғазалларини халқ куйлари мотивларига мослаб ёзди.

Муқимий халқ манфаатлари учун хизмат қилди ва ҳаётининг охиригача „Гар қилич бошимга ҳам келса дегайман ростин“ деган сўзида содиқ бўлиб қолди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача Муқимийнинг асарлари жуда кам босилган. Бойлар, руҳонийлар ва подшо чиновниклари бу халқ шоирини ўз халқидан йироқлаштиришга уринар эдилар.

Фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина Совет тузуми шароитидагина Муқимий ўзига муносиб кадр қийма-

тини топаолди. Муқимийнинг номи фақат Ўзбекистондагина эмас балки Совет Иттифоқидаги барча қардош халқлар орасида ҳам кенг тарқалди. Унинг асарлари рус, украин, белорус ва СССР даги бошқа халқларнинг тилларига таржима қилинган.

Бу йил совет жамоатчилиги демократ шоир Муқимийнинг вафотига 50 йил тўлишини ҳурмат билан эсга олади. Шоир ўзи айтгандек:

Муқимий та'нан Муҳйига бир сўз айтки рост бўлсин,

Келар озир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши.

Шоирнинг бу сўзлари Совет замонасидагина амалга ошди.

*Фафур Фулом*

17 август 1953 йил.











## ТАНОБЧИЛАР

Булди таажжуб қизиқ қангомалар,  
Ара этайин эмди ёзиб номалар,

Адл қулоғила эшит ҳолими,  
Зулм қилур, баски, менга золими.

Ўн икки ойда келадур бир таноб,  
Ўзгалара роҳату менга азоб.

Султон Али Хўжа Ҳакимжон<sup>2</sup> икав,  
Бирин хотун, бириси бўлди куяв.

Иккаласи булди чунон иттифқ,  
Гуё хаёл айлаки, (қилмай нифоқ)

Ош есалар ўртада сарсон илик,  
Хўжа чироғ ёғи, Ҳакимжон пилик.

Бир-бирисиға солишурлар ўрун,  
Эртаю-кеч ўпушиб оғиз-бурун.

Саллалари бошларида оқ сават,  
Кўрпача тагда ҳамавақт уч қават.

Бирлари мўлтонинамо, ҳийлагар,  
Бирларидур кунда фиху гавда хар.

Оғизлари мақтаниб унбеш қариш,  
Майда сухан, эзма (чурук), занчалиш.

Қайсики қишлоққа тушар отидин,  
Элни йиғиб, воқиф этар зотидин.

Дерки: „Кўзунга ҳали кал жўжаман.  
Махтуми а'замлик ўзим хўжаман.

Бизга бобо ҳазрати Шохлиғ мазор,  
Мухлисимиз мардуми аҳли диёр.

Ҳам яна Эрҳубби бўладур тағо,  
Аммамизинг эрларидур Нурато.

Биби Убайда бўладур холамиз,  
Гоҳ келур эрди кичик боламиз.

Хизр<sup>9</sup> отамларга буродар эрур,  
Чимлиғ азизлар менга додар эрур

Гарчики мен олиму шайхи замон,  
Қирқингиза эмди берай бир қозон.

Манки танобингга чиқибман келиб,  
Хизматими яхши қилинглар билиб.

Ўт қўюбон куйдурадурғон ўзим,  
Ҳокимингу ўлдуррадурғон ўзим.

Хоҳ танобингни дучандон қилай,  
Хоҳ карам бирла бошингни силай\*.

Хўжа сўзини мунга бермай қарор,  
Мардуми саҳройи бўлур беқарор.

Дерки Ҳакимжони — „Аё оқсоқол,  
Бизни топибсен магарамким усол?“

„Ҳозир этинг тўрт нафар мардикор,  
Тўғри қил, олдимға қилибон қатор.

Арқоними еринга судраб чиқай,  
Баччаталоқ қишлоқиларни (урай),

Бир бураин мўйилабимни чиқиб,  
Торт танобини жазоси сиқиб!“

Яхшилигингни фуқаро билмагай,  
Ҳоли булар кўзга бизи клмагай.

Икки танобини қилай ўн таноб,  
Юртингизи куйдуруб айлай хароб.

Хоҳ ўлинг, хоҳ қолинг, баччагар“,  
Дебки, узангуга аёғин тирар.

Бир-бирига қишлоқ эли боқишиб,  
Гоҳ уён, гоҳ буён чопишиб.

Жам' булиб айлаюбон маслаҳат:  
— „Думага, — дер, — бирнима бериб жўнат“.

Ақча қўлида икки-уч мўйсафид  
Дерки: — „Бу назрингизу, бизлар мурид“.

Зулм блан элигу юзни олур,  
Боз танобини дучандон солур.

Тоғи булар яхшию, бизлар ёмон,  
Эл тамизидин ҳазар эт ал'амон.

Узга яна ғусса будурким, дейин,  
Шунчаки бир қисса булардин кейин:

Қўшти Жалолхон<sup>5</sup> деган ўғлин менга,  
Деди — „Руқум ўргатасиз сиз анга“,

Юклади ўғлини менга, мухтасар,  
Бу дағи ортиқча (менга дардисар)...

Сўзни Муқимий керак этмак тамом,  
Маззаси қолмас узун ўлса калом.

•

## ЗАВОДЧИ БОЙ ТАРИФИДА

Ҳикоят қилай турфа даврон экан,  
Халойиқ ҳама маҳву ҳайрон экан,

Чиқиб янги маскавчидин бойлар,<sup>1</sup>  
Синар ўтмайин ба'зиси ойлар

Хусусанки эшонн Ҳодихўжам<sup>2</sup>,  
Йўқ оғзида қарзини ваҳмида нам.

Керак берса Маскавга бир лак, қани,  
Битиб ва'даи пул, (ўзи мўлтани),

Дер эрмишки, ўруста нисфин берай,  
Келар йилга ярмига муҳлат сўрай.

Қачон бўлмаган гап қабул айласин,  
Муқаррар дегайким, печать байласин<sup>3</sup>.

Мунинг устига қарзидур Андижон  
Ким, ўз халқидин, барчадин бу ёмон.

Бу ҳам қирқ минг сўм эмиш, деди қарз,  
Ўтуб ва'даси берсалар вақти фарз.

Нетармиз, дебон қистамас эл пулин,  
— Берурман, — деса, — сўмига ўн тийин<sup>4</sup>.

Чунончи хўжам, Подшоҳўжани<sup>6</sup>  
Чу Маскав юборган блан мол қани?

Фабрикантлар ва'дага молини  
Беришмай,— деди, йиғлаб аҳволини.

Бориб мол учун, мол ололмай келиш  
Ёмон, аҳли тужжорга мушкул иш.

Олиб сулсни ақчасин хўжайин,  
Бериб мол конторга қилди тайин,

Олай деса, конторда йуқ бир пақир,  
Деса: олмайин, ул заколат куйир.

Бу савдо блан бошида кечқурун,  
Борур кўҳи ё орқадин, ё бурун.

Қочиб кетди маччойилар<sup>6</sup> аксари.  
Бориб шулки юртига та'кидлари:

— „Сароеки, у бошадаш, зивҳор,  
Даронжо марав мемури, 9 табор“<sup>1</sup>

Сарой эгаси камбағал Бобожон  
Кўрар тожики йуқ, бўлур тоза қон.

Очилгач келиб эртаси ҳужраси,  
Қилур жангу жанжол ҳар эртаси:

— „Кўтармакка юк деб, малай сяқласам,  
Ўзига — дегай, ишлатурлар акам“.

Чиқиб қочди бир-бир ҳама мардикор,  
Купес қолди бу сирга ҳайрону зор.

Тоғиб мардикорини — „Сейчас юринг,  
Пажолиста,— дер эрди, — эмди туринг“.



Деди:— ҳар куни берсанг ўн сўм ҳам,  
Борилмайди, қўй зовутини, хўжам<sup>8</sup>.

Дубора яна борди бир ишга шул,  
Сўкиб — „кет,— деди,— келма дуррак, пошёл“<sup>1</sup>

Қўқон ичра эссизгина ҳавлилар,  
Келиб икки минг ақчага сотдилар.

Олур эрди уч-тўрт мингга, қаранг  
Нетар, бўлса қарзига ўлгунча танг?

Ўзи оқшом ҳавлисида, ҳар кими  
Кўрар келди эшон, қочар одами.

Агар борсалар қайси ҳаммомга  
Чиқар ходимийлар қочиб томга.

Сабаб сўрди ҳаммомчи қочқонидин,  
Дедиларки:— „Биз кечтук эҳсонидин“...

Бериб арза ма'мурга:— „Э ҳокимим,  
— Деди,— бор тўққиз юз олтмиш сўмим“<sup>8</sup>,

Олиб буйруқ отига Хайруллахон<sup>10</sup>,  
Шариатга қамту ўлтурган замон,

Келиб қолди ўзига ногаҳ қасам<sup>11</sup>,  
Сариҳ бўлди ёлғонлиғи муттаҳам.

Қизини олиб гуркави шўрлик,  
Турушлик тушиб, бўлмади жўрлик,

Келиб тошқидин ичкари кирмади,  
.....

Деди оҳ уриб:— „Бўлса эр ҳоли бу“,  
Фиғонидин эл ичра тушди ғулу.

— „Даригоки, бахтим қаро бўлмаса,  
Сенга тушмас эрлим, худо урмаса“.

Чиқиб ичларида ниҳон қотишиб,  
Базу́р қўйди ҳамсоялар босишиб,

Вале растада савлатин кўрсангиз  
Ким, арзийди шайхи замон билсангиз.

От устида мардум қилурлар гумон,  
Мударрислари „Бег“ни, деб Тош эшон.

Амома бошида, сафид жомалар,  
Хаёл айлағайсизки алломалар.

Қилиб мухтасар, сўзни қилдим тамом,  
Малоловир ўлғай чўзилган калом.

## ТҮЙ

Эшитинг бир ҳикоя Иқондин<sup>1</sup>,  
Туй ночор қилди ёлғондин.

Хўжайин берди Тошкентдин тил<sup>2</sup>.  
„Туй қилар бўлсанг, қуй ўзингга кафил.

Уғлингизни, — дедики, — қилманг туй,  
Балки от тезагини қилманг бўй.

Не керак сизга туй қилмоқлик  
Керилиб обрўй қилмоқлик.

Гар десангиз мени қозон қурманг,  
.....

Ман ризомас кишига нон берсанг,  
Ё товуқ сақласангу дон берсанг,

Туйнугингдин агарда чиқса тутун.  
Мунда бер дастмойларни бутун.

Бўлса умминдингиз агар биздин,  
Манфаат кўрмасин бироз сиздин“.

Ушбу мазмунида қоқди сиз<sup>3</sup> хўжайин  
Шод бўлуб эр, хотин деди: „Ўлайин!“

Соф ният сувики лойланса,  
Не ажаб хайр эшиги бойланса,

Кичигу катта, хурд ила реза,  
Қилдилар бир-бирига истеза.

Уй ичи — ўрнига ўюн-кулгу,  
Юлушиб юз йиғи-сиғи, қайғу.

Ташқарнда қимирлаган эркак,  
Бир-бировига аччигу жиртак.

Тўйга ўз тухмидин хотун демади,  
Аччиғидин отоси ош емади.

Тўй-тамошо азога айланди,  
Бил ахир турди, куйдию ёнди.

Қуй олиб сўйди арриғ уч сўмга,  
Урди гўшт ила ёғини хумга.

Уч кишини маҳалладин оқшом  
Чарлади, келди олдириб илдом.

Отларини дейин, десанг — ким-ким?  
Сартораш, кўр ҳожи, Сайид Қосим,

Ўртага қўйди калласин чиқариб,  
„Кўргузинг маслаҳат“ — деди, қизариб,

Биров ундоғ деди, бирав мундоғ,  
Элда айтур чунончи ким тўмтоғ,

Машварат айлашиб хориндилар,  
Неча ерга ўчоқ қозиндилар.

Оқибат маслаҳат бу ерга қарор  
Топтиким, чиқдилар секин бозор.

Каллага еткүдек биринж ила ёғ  
Келдиләр олишиб учида оёғ.

Ис чиқармасдин ошни дамладилар,  
Анга лойиқ тўқузни ғамладилар.

Ҷоқ устида гар йуталса бирав,  
Ер эди елкасига етти кўсав.

Бири қаттиқ чиқарса овозин,  
Билмасин қўшни, деб тутуб оғзин.

Қўшнилар ҳам солурлар эрди қулоқ,  
Асарин топмас эрди дегу табоқ.

Дей иган одамин тутуб номин  
Деди: есин келиб ошу нонин.

Етти одамни ўз маҳалласидин,  
Қорни тўқ, янги тўн, басалласидин,

Деди шовқунламай имо уйидин,  
Мундин, ундин, юқоридин, қуйидин,

Кирдилар тўйга қўл ювуб, дегани:  
— „Хайра мақдам<sup>б</sup>“, деб утқазиб ҳамани,

„Тўй муборак“, дейишти пешу пас,  
Деди — Мундоғ деманг, бу тўй эрмас!

Яхшилар — қилди тўй-деманг зинҳор,  
Хуб бўлмас эшитса хешу табор.

Билсалар бойлар — аҳли расталарим,  
Ичларида қийин кейин юрарим.

Нима кўп менда — ёру сшно кўп,  
Бой кўп, шайху хўжа, мулло кўп.

Етса ногаҳ қулоқлариға бу гап  
Обруйим кетиб қолур-да тугаб,

Мен бир одамнинг одамию малай\*...  
Занчалиш, эзма ҳам чузулди талай.

Тўйга кирган ўшал беш-ўн одам,  
Деди — „Хўп гап замонада шул ҳам“.

Солди элқисса эски дастурхон,  
Қўйди сойил каби неча хил нон.

Бириси юмшоғу бири қотган,  
Бири иссиқ, бири моғор отган;

Енг учида қўюлди тўққуз нон,  
Кулчалар тошки, синдирур дандон,

Сузди ош бир ликавда уч кишидин,  
Кетти ошни кўриб ҳама ҳушидин.

Ош мисоли табақда кўз ёши,  
Курмаги кўп, гуринчидин тоши;

Бир оғиз эмди олдилар янги,  
Чиқди лаппак табақ уза чанги.

Фотиҳа жаҳл ила ўқишди туруб,  
Келдилар тўйдин уйга оч кекуруб.

— „Икки юз сўм бўлурми, деб, ширавор?“  
Бўлғани шул тўйининг охири кор.

Борҳо айтур эрди тўйларда,  
Ёру дўстига кўча-кўйларда:

— „Қирқ чорак гуринч ол: й дейман,  
Яна тўйимга етмагай дейман.

Хотирим жам' тўғрисидин унум<sup>6</sup>.  
Камлигим бир сўқум блан ўтунум.

Бошласам тўй агар қозонни қуруб,  
Ўтказинг ўзингиз бошида туруб<sup>6</sup>.

Йўқ бириси-да бу деганларидин,  
Тўққузу ошларин еганларидин,

Куча дарвоза тўй куни занжир.  
Тукти мискин, гадо йўлига қир,<sup>7</sup>

„Хатми қур'он“ қўюлди тўйнинг оти,  
Бўлса шундоғ булурмиди уёти?<sup>1</sup>

Урди чўт сарфиға тўй ўтганда,  
Тузғача жам'и ўттуз уч танга.

Ушбу сўзлар, Муқим, эмас ёлғон,  
Қўни-қўшниси шоҳиду бурҳон.

Мухтасар бўлди топти сўз анжом  
Аддуо, вас алому нома тамом<sup>8</sup>.

## В Е К С Е Л Ъ<sup>1</sup>

Мастур қол яғайким: сўзнинг йўғони чиқди,  
Олтиариқлари ҳам вексельни кони чиқди.  
Заводни битказалмай эшонни жони чиқди,  
Афсус, э халойиқ, ишлар ёмони чиқди,  
Охир замона ма'лум бўлди, нишони чиқди.

Ҳар ишкн халқимизга ҳокимлар этса фармон,  
Қилмай иложи йўқтур душвору хоҳи осон,  
Нуқра-кумушларидин бойлар хижил, пушаймон.  
Юз дод қилмасунму бечоран мусулмон,  
Ҳар тангада миридин яққол зиёни чиқди.

Банд ўлди олди-сотди, фуқароларингни бил, деб,  
Пуллар жаримасини қилсанг экан, бахил, деб.  
Бозору бай очолмай қишлоғу шаҳр сил, деб,  
Арз этдилар халойиқ ҳокимга: ҳукм қил деб,  
Қирқ кунда уч миридин буйруқ дегони чиқди.

Диққат ҳама соталмай, ё бир нима олурга,  
Қассоб етди ўзни гўшт ўрнига тилурга,  
Солган қулоқларини эл гап недур билурга,  
Бозор аҳли ҳайрон савдо-сотик қилурга,  
Сўйи самога йиғлаб косиб фиғони чиқди.



Халқики камбағалдур гўёки ғалтак ўлди.  
Ўлганни устига ҳам бирнеча калтак ўлди,  
Бу воқиа, Муқимий, ҳар ерда дастак ўлди,  
Пул-дабба, нарх-қиймат устига пўстак ўлди,  
Пўстак (белига) боғлаб Завқий баёни чиқди.

ВОҚИАИ КЎР  
АШУРБОЙ ҲОЖИ

Ажаб халқ эканмиэ, ажаб рўзгор,  
Қизиқ ҳодиса, турфа лайлу наҳор,

Ашурбойдин эшитинг қиссае,  
Аё эй бу Фарғонаи номдор.

Қоровул уйидин ярим оқшоми,  
Баногоҳ бўлди фиғон ошкор.

Маҳалла бу ҳангомадин уйғониб,  
Эшигига келди сагиру кибор,

Ҳама бўткабоши-ю, мингбошилар,  
Чопиб келдилар, деб: не кор-зор?!

Босиб кирдилар бу нечук дод деб,  
Қоровулнинг уйига, беихтиёр...

Кўруб дедилар: бой экан, қочиринг,  
Ашур кўр ўзи ҳам бўлуб беқарор.

Қўюб томга бир бузуқ норвон,  
Қўлидин тутуб кўрни, қилди дучор.

Икки-уч поғона чиқиб, шошилиб,  
Йиқилди, синиб шоти, ул мурдавор...

Қочар эрди томда саросима кўр,  
Чапу ростига музтариб шармисор.

Халожо эди, туйнукидин ани —  
Кетиб оғзича, ботди ул бешумор.

Туруб ҳовли эгаси ногихон,  
Чироғ ила зарурий иш а чиқор,

Халожода пиш-пиш қилур бирнима  
Деди: не балодурсан, эй нобакор,

— Секинроқ гапир, мен Ашурбой, — деди,  
Қочиб ўлтур ибман, сенга интизор.

Халодаги сўздин ғулув айлашиб,  
Тутиб чиқдилар этга и сангсор.

Қоровулнинг хотин, қизи бойни  
Горонишга келтирдилар тун чаҳор.

Кириб илгарироқ кордон қошига.  
Сирим очма-ю, этма деб шармсор.

Қўлингга тушуб фе'ли шайтон блан.  
Деди: товба қилдим ҳазорон-ҳазор.

Приступга ма'лум қилмоқ учун,  
Олиб кирдилар тўғри айлаб қатор.

Деди: нега бостинг бировнинг уйин  
Бобой ҳожи бўсанг, кўпак, мурдор.

Урушти, деди, эру хотин булар,  
Яраштирғали қилган эрдим гўзор.

Уриб, тўра олдида мункир келиб.  
Деди: туҳмат айлар олурға ниқор.

Шариатга айлаб ҳавола, деди:  
Бу да'вога тегишли қозига бор.

Ҳақорат қилинган кишилар қолиб,  
Топиб бой сўзи бунда зур э'тибор.

Қачон камбағалларнинг сўзи ўтар,  
Агар бўлса ақчанг, сўзинг зулфиқор.

Ниҳони сочиб симу зар сув каби,  
Босилди машаққат блан бу ғубор...

Муқимий сенга ушбу сўз не керак,  
Бўлак ҳаркимн кору а'моли бор.

## Ч О Й Ф У Р У Ш

Қилган жувон бўлиб, битта ҳуштор, чойфуруш.  
Кўрсанг қачонки мурдакови бор чойфуруш.

Белбоғ сотилди, бирнеча кун хўжайин уриб,  
Аммо бу кун муюшда дўкондор чойфуруш.

Ким сўрса нарх иккиси бирдин баҳо қўйиб,  
Қилгай гаранг келса харидор чойфуруш.

Пойлаб емакка бир нон олиб бир-биранин,  
Тиқ этса ғалладонгки хабардор чойфуруш.

Безин хўжайин тийинини қилса сарф агар  
Тушкай дўконга қулф баякбор, чойфуруш.

Кундуз ҳавоси ер блан осмонга сиғмаган  
Лек ақшом... ёмон хор чойфуруш...

Нисбат қилурға арзимагай ҳажв ҳам ўшал,  
Кетсун, қўй эмди, садқаи аш'ор чойфуруш.

## ДОДХОҲИМ

Додхоҳим, додхоҳлик сенга хос,  
Порасиз ўтмас сенга юз илтимос.

Учраса илдам, мовут тўнлик киши,  
Ўйлашиб, сўнг учрашар йиртиқ либос.

Бунча гердайдинг, Худоёрхонмусан,  
Шунчаки мингбошисан, ўпкангни бос.

Додхоҳ, шопу камар камлик қилур,  
Халқ тавқи ла'натин бўйнингга ос.

Хумрайиб, ер остидин қўлга қарар,  
Сен қолиб, муздин совуқ мирзанг — Ғиёс.

Мен Муқимийга ажал келмай туриб,  
Эй худо, мингбошидин қилғил халос

## УРУҒ

Бошлади мардум аро шўриши маҳшар уруғ,  
Айлади чуи рўдапо халқни музтар уруғ.

Нонни бултур еган, пойлаган эрди алар,  
Ҳайф куйиб ақчаси қилди чу ахгар уруғ.

Зарда қилиб жонивор, бўйлаки хор қилдилар,  
Қолмаса номидин асар, бўлмаса хуштар уруғ.

Ҳикмати парвардигор, бунда таъжжуб қолур,  
Булди чу хоки сиёҳ зарга баробар уруғ.

Кимгаки ўтказсалар, ва'дага олганига  
Нас'яга ҳам олмайин, эртаси қайтар уруғ.

Учраса гоҳ бир таниш, қўлини маҳкам тутиб,  
Қуймайин аҳволига, ҳасратин айтар уруғ.

Кўрди утар ошно, дерки, деса: „камнамо“,  
Булди бошимга бало, бор эди камтар уруғ.

Қайдаки дарвешлар қўйға олур фотиҳа,  
Дебки, дуо қил сотиш булса муяссар уруғ.

Қозилар иқболига тухмнинг жанжолу куд,  
Битса агар муфтилар фатвойи маҳзар уруғ<sup>9</sup>.

Хирмани сармоясин боди зарарга бериб,  
Бирнечо бойваччани қилди қаландар уруғ<sup>9</sup>.

Сўзинг, Муқимий, мухтасар ўлмоғияхшидир, валс  
Қанчаки оз, айласам ша'нига дафтар уруғ.



## БАЧЧАҒАР<sup>1</sup>

Маҳзани холи даҳан, тил мори гуё<sup>2</sup> баччағар,  
Заҳри қотил суҳбати монанд дун'ё баччағар.

Дангаса, номардлик майдонида сарпо улуғ,  
Муттаҳамлик дафтарин бошида туғро баччағар.

Ис чиқарган ерда ҳозир месли шаптон ҳамтабақ,  
Қанча сўксанг шунча шилқим; турфа сулло баччағар.

Ботини чўян қозон. қайнар ичида реву ранг,  
Зоҳири бир сўфи сурат, қўлда ассо баччағар.

Ётқузиб тилсанг баногоҳ қорнидин чиқмас алиф,  
Саллани кўрган киши дер:— „Катта мулло баччағар“.

Ҳалқада мундин бўлак болонишин йўқ охири<sup>3</sup>,  
Қилмағай деб қўрқаман ҳазратга да'во баччағар,

Неча муддат йўқ эди, ул қайданам ҳозир бўлиб,  
Ош арусда ҳангираб, кўп қилди ғавғо баччағар.

Шунча қўйнинг пўрдоғу пўстунбасин ўғирлади,  
Тозалаб Мингтепасига қилди савғо баччағар.

Сурмалар тортиб қачон кўрсанг кўзига, доимо  
Ўзга бергай, қўлида ойина. оро, баччағар.

Бир пучак пул хайр ногоҳ бир гадо қилса тама'  
Истаган янглиғ вужудин андин анқо<sup>4</sup>, баччағар.

Меривад ҳаржо шикамро маҳз пуркардан, дигар  
Нест парвойи ғами имрӯзу фардо, баччағар<sup>5</sup>.

Кир ювуб мағзобасин кўпугини олиб йиғиб,  
Рўзада қўйғай отин қандин нишолло, баччағар.

Илгари филжумла номусу ҳаёси бор эди,  
Қайси кун ҳаждинки келди, бўлди расво баччағар

Борса ҳарерда уруб беҳуда ёлғон лофу қоф  
Дерки: „Султон берди менга етти тилло“, баччағар.

Билмам одам шаклида юрган уммисиб'ёнмукин,  
Отини тутсанг агар ҳар ерда пайдо баччағар.

Гар асо тутса қўлиға сиз ани айб айламағ,  
Воқиланким, кўзи очиқ, бўлин а'мо баччағар.

Қилмас эрдим ҳажв, нэчор айладимким ўқушиб,  
Аҳли донишга бўлур деб даф'и савдо баччағар.

Ҳечкимни баччағар деб булмагай, то бу тирич,  
Мундин ўзга баччағар йўқ. ўзи танҳо баччағар.

Э Муқимий, сендин озори биравга етмасин,  
Душманинг ҳам бўлса ҳаргиз дема асло баччағар.

## А В Л И Ё

Бошларида шапка гоҳи, гоҳ дастор авлиё,  
Қўлларида субҳаю бўйнида зиннор авлиё.

„Тавба“ денг охир замона чиқса бу янглиғ чибёк,  
Ҳар (хотинга) ошиқу ҳар (қизга) хушгор авлиё...

Шул эрур кашфу каромотики бўйлаб субҳу шом,  
Чиқса ҳар ердин бир ис ҳозир хабардор авлиё.

Доимо бепарда сўз халқ ичра айтур беибо,  
Бўлмагай деб қўрқаман ногоҳ сангсор авлиё.

Тоза илқини ювиб, ейдур ҳалол англаб гумон,  
Учраса ҳар ердаким макруҳу мурдор авлиё.

Ҳар муқаллид бўлса пўстун бирла тоқат қилмасан,  
Муз қизиқликлар, ёгар тақлидидин қор авлиё.

(Гавдасидин) йўқ бўлак оғирлиги дун'ёда ҳеч,  
Охират сори сафар қилса, сабукбор авлиё...

Филҳақиқат бўлма ғафлатдин бадандеша, Муқим,  
Баски шуҳрат топти расволикда бис'ёр авлиё.

## ДЕВОНАМЕН'

Дустлар, бечора, қашшоқ камбағал девонамен,  
Най чолиб, ҳар ерда ўқуйман ғазал, девонамен.

Беқаноатлиқ гадо қилди, дарифо, ноилож,  
Бандалиғ шартида лекин беамал девонамен.

Салла, оқ тўнлар кўруб, сохтимни инкор айламанг,  
Бўлмасам ҳамким асл девона, кал девонамен.

Хайр этинглар бир тийиндин кечаси дегжуш этай,  
Одатим шул: ош емай ётсам касал девонамен.

Ғудойиб турмай беринглар бир пақир, хоҳ бир мири  
Аср қичқирғон хурусдек, бемаҳал девонамен.

Хира, шилқимлиққа ҳам йўқдур ўзумнинг тоқатим,  
Зардаликмен гарчики дуну дағал девонамен.

Мардикор иш қил, аёқ-қўлинг бутун найчи деманг,  
Най агар чолсам бажомен, ишга шал девонамен.

## КЎСАМЕН

Оҳ, соқол қадри ўтуб, кўнгулда армон кўсамен,  
Ҳафтада ойнага боққанда ҳайрон кўсамен.

Барчада бўлса соқолу менла бир тук бўлмаса,  
Йиғлабон ушбу аламдин гоҳ пинҳон кўсамен.

Сен ёшим сўрма, билолмайсан, ўзим ҳам, шунчэким,  
Катта-катта мўйсафидларга падархон кўсамен.

Ёш гумон этма кўриб апгим, соқолим йўқ учун,  
Маллахондин қолган эски, қарри таллон кўсамен.

Бўлма овора, билолмайсен суруштирган блан,  
Бир чигилменким, ешилмас асли чистон кўсамен.

Ёш гўдак бирла кураш тушсам чиллакдай оширур,  
Суратим кўрсанг агар ўлгунча полвон кўсамен.

Ҳар шаҳарда кўп агар юрсам, бир ой юргум келур,  
Найлайн савдойи, аҳволим паришон кўсамен.

Найчилик бўлди фалак бедодидин охир ишим,  
Йўқса, бир вақтида сурган даври даврон кўсамен.

Жағларим Шайдонни<sup>1</sup> даштидек гиёх йўқ яп-яланг,  
Энгакимдин бир Оло Маҳрам намоён кўсамен.

Сурма мазмунини қил нэйдин қиёс аҳволими,  
Ёзу қиш ҳар ерда мундоғ соҳиб афғон кўсамен.

Бир фақирдин бир пақирни, дўстлар, тутманг дариғ,  
Бир дуоғуйи Муқимий мен қадрдон кўсамен.

### ТАРМЕВАЛАР

Оҳ не кунким есанг, тэйёр экан тар мевалар,  
Қадри чандон йўқ экан — бис'ёр экан тар мевалар,  
Хоби роҳатбахши жисми зор экан тар мевалар<sup>2</sup>.  
Ушбу йил Фарғонамизда хор экан тар мевалар,  
Боғлиқ одамга ёмон душвор экан тар мевалар.

Юрт мингбошилари келдилар ёниб-тугаб,  
Нозу не'мат журмини Хўқанд уёзидин тилаб,  
Мухтасар айлаб тамоми муддаосин — мунтахаб  
Қилди деҳқон арз ҳоқимга, дедиким яхшилаб  
Сотмағил, фармойиши жондор<sup>3</sup> экан тар мевалар.

Зомуча чиққач назарлардин тушиб беихтиёр,  
Бир тийин берсанг этаклатмуш эдилар бешумор,  
Ҳеч арзон қолмэс эркан қиммат этмай рўзгор,  
Бодиринггу олуча халқ ичра топти э'тибор,  
Ўзгаси то ҳандалэк бекор экан тар мевалар.

— „Олма, ўрукни киши бозора олиб келмэсун,  
Чунки иллатлик, еганларга балоси тегмасун,  
Бир мусулмон, от тутиб, шафтоли чилги демасун,—  
Рус ҳукуматдонлари ман' этди,— мардум емасун,  
Есалар, офат тегиб ўлар экан, тар мевалар“.

Богбонлар ҳам бўлурди боғиға кирсанг тажанд,  
Миннатидин умрлар кирган чекар эрди газанд,  
Дарҳақиқатким бузуқ ниятлари бўлмай писанд,  
Чилги, шафтолу — кепак бирлан, чигитга икки чанд,  
Сотқучи қишлоқ юриб, аттор экан, тар мевалар.

Қўрани пайкалга деҳқон ҳам темурлардин қуруб,  
Кимки ўтса илкидин олўр эди итдек ҳуруб,  
Фе'ли бадларни ажаб бўлди жазосини кўруб.  
Сой, ариғларга сават бирлан палиска оғдариб,  
Пишганидин бўғулиб безор экан тар мевалар.

Ошкоро боғда зардолу тералмай ҳайфким,  
Бир қошиқдонда биравга келтуралмай ҳайфким.  
Тош-тарозулар қабоқлардин қуралмай ҳайфким.  
Шаҳрга бир дона саҳродин киралмай ҳайфким,  
Муртади ҳар растаю бозор экан тар мевалар.

Суфлапарвар чарх еткурди фалакка нолишим,  
Қалтираб, титраб бўлунган эрди тобистан, қишим,  
Ғарқ пишган кўкча қовун, тегмагай аммо тишим,  
Ёз ҳам не'мат блан, шундоқ гузарлар чўлким,  
Чорсу, чорсу дер эркан бор экан тар мевалар.

Турфа иссиғким ҳаволар тобиши нори жаҳим.  
Ҳар нафс айлаб ҳароратлар фузун ўтлуғ насим,  
Ташналиғдин ҳўл табиат хоҳлади қайтиб дамим,  
Ва'далар қилди келар йил айлаин рузи Муқим,  
Едириш мендин, бу йил қарздор экан, тар мевалар.



## О Т

Урма бир камчи, олур минг интиқом, ўлсун бу от,  
Тишлабу тепиб ўтар умри мудом, ўлсун бу от.  
Ҳеч кишига бўлмағай чун ваҳши ром, ўлсун бу от,  
Тоб йўқ афтини кўрмоққа, ҳаром ўлсун бу от,  
Ҳайфдур ҳаргиз суғорманг, ташнаком ўлсун бу от.

Турфа қирчанғию санғи, хираю бадкордур,  
Фикри-зикри доимо андешаси озордур,  
Шовқунидин эл, миниб чиқсанг агар, безордур,  
Гар сафар қилсанг бирав ҳамроҳлиққа зордур,  
Шатта солғай й ўлда ким қилса салом, ўлсун бу от

Бад қабоқ, сурат совуқ, рангида сурким қони йўқ  
Бедани чайнаб ютарға тиш била дармони йўқ.  
Ҳар қадамда қоқилур жисмида лоғар жони йўқ.  
Минган одам бўлмаса мажруҳ то имкони йўқ,  
Гўё қайрарга тиғи бениём, ўлсун бу от.

Доғули хислат, муғамбир, фе'ли-атвори қизиқ,  
Боғласанг бир ерга, келсанг ноғиҳон қайтиб ешиқ.  
Бермағай тутқуч, мисоли сабчибон ўғри мишиқ,  
Гарчи ҳанги, жанггаридур, кошки бўлса пишиқ,  
Ўлгуча қўшу жувоз бобида хом, ўлсун бу от.

Зарра минганда ҳузур ила ҳаловат кўрмадим,  
Шумлигидин ҳеч бир манзилда тинчлик кўрмадим,  
Эрта оқшом пуштлаб, бир лаҳза емсиз қўймадим,  
Қанча боқсанг силга ўхшаб, ранги чиқмас билмадим.  
Сингдуролмас, еса рад қилғай таом, ўлсун бу от.

Яхшиси бул, бош кесинг қилганда тўй, айлаб сўқум,  
Ё муҳимми ҳайра кўш, ўрнига қўй айлаб сўқум,  
Ҳожат эрмасдур йўқотғил гуф: гўй, айлаб сўқум,  
Дум блан ёлин кузаб, жаззоси сўй айлаб сўқум,  
Парчан жул, садқан зину лажом ўлсун бу от.

Даф'атан тўхтар йироқдин бўлса бир одам дучор,  
Анга боқиб кишнагай оғзин очиб чун аждаҳор  
Қайтадур ночор ўталмай орқасига, куча тор.  
Садқан ему хашак кетсин, қўйинг очу наҳор,  
Эртароқ етсун ҳалокатга тамом, ўлсун бу от.

Чап бериб, пойлаб тепарга устихон йўқ этида,  
Ёндашиб бормай йироқроқ тур охириинг четида,  
Дўст бўлмайдур — масал — туклук нимарса бетида,  
Олдидин келсанг оғиз солғай, мабодо кетида —  
Тепадур хоҳи чуқурлиқ, хоҳ том, ўлсун бу от.

Ҳуркуб ўтмас ўлса, кўзиға кўринса бир гиёҳ,  
Ботинолмас анга бир эллик чуқурча — катта чоҳ,  
Чўчимасдин ким қилур ўзиға-ўзи иштибоҳ,  
Икки қўл доим яқода шарридин истаб паноҳ,  
Минган одамни қилур субҳини шом, ўлсун бу от.

Кимса бозора сузиб дум, в Муқимий солмади,  
Бир харидори чиқиб, олған пулимға олмади,  
Нечаким бадбахт тадбир айладим сотилмади,  
Тобу тоқат менда эгарлаб минарга қолмади,  
Келганига олса сот эмди ҳаром ўлсун бу от.

## ГАП ТЎҒРИСИДА ГАП

Ҳар кишиким кўрпасига пой узатмайдур қароб,  
Сал вақт ўтмаски кўзлар жониби Шому Ҳалаб<sup>1</sup>.  
Сўрсалар ушбу шикоятга буродарлар сабаб;  
Ғозиёғликда<sup>2</sup> зимистон ер эди бир жўра гап,  
Карру фарлар бирла бир-бир қочти, қолди  
гап тугаб.

Ҳожати те'дод эмас<sup>3</sup>, даркор эмасдур отлари,  
Мардум устидин ҳамиша, еб-ичиб авқотлари,  
Ҳеч Қорундин кам эрмас еру сун, давлатлари,  
Кўча кўйда кўрсангиз от ҳуркитар савлатлари,  
Уйларида ой ўтиб чой ичмагайлар ўт қалаб.

Лоф раҳшин катталиқ ма'донига ҳар'ён суриб,  
Қул блан ҳар дам бурутларни юқорироқ буриб,  
Юз тарафдин сўзга ёлгондин масаллар келтуриб,  
Жўра дастурхонларида чорзону ўлтуриб,  
Пашмаку ҳалвони урғайлар нишолдога булаб.

Ма'рака, мажлисда олур ўзларини Таҳматан.  
Ишлари да'вою манманлик агар кўрсанг қачан,  
Муфт базм, улфатчиликка дўппи қайтоқи чапан,  
Ҳеч эркаклик ярашмас, хуби шулким мисли зап  
Эмди уйда хапгина ўлтурсалар кокул тараб.

Ҳақларига оз эди ҳарқанча чакки сўз десанг,  
То қиёмат кам агар ҳарқанча дашном айласанг,  
Боз кетган устига кетган масал бордур, кесанг  
Ичкараси бирла ҳам эмди таваккал гап есанг;  
Эрлари ўрнига шояд хотуниндин тегса гап.

Гапларики, еб кетиб қарз ошни қилмаслар адо,  
Қўрқаман улфатчилик барҳам егай деб ўртадо,  
Аҳли ҳимматлар қаниким, айласанг жонлар фид  
Кулмайни найлай Муқимий тавба деб, ушлаб я  
Бўлса хотундин хароб эркак, замони бул  
ажаб.

## А Р А В А Н Г

Оқибат қилди дардисар араванг,  
Ҳам қулоқларни сахт кар араванг,

Юз маротиб пиёдалиқ жаннат,  
Дейдилар ё сақар-сақар араванг<sup>1</sup>.

Ғилдираб ҳар қадамда минг дўқ-дўқ,  
Мунча нотинч (тақар-тақар) араванг.

Шаҳрихон борғуча ҳалок қилиб,  
Бизни ўлдурди, мухтасар, араванг.

Бўлса шул яхши дебки мақтаганинг,  
Бормуди мунданам батар араванг.

Сотар ўлсанг ўзум баҳо қўйсам:  
Бир мири оту бир бақар араванг.

Йўлда чарчаб, пиёда ҳоришлар  
Роҳат албатта билназар араванг<sup>2</sup>,

Манзилига Муқимий етгунча,  
Еди лекин-да, мочахар араванг.

## А Р О Б А

Бозор чиқмай энди, зинҳор, ароба қурсин,  
То келганингча айлар безор, ароба қурсин.

Ногоҳ кайфи учкай келса агар тағаклаб,  
Ичган гиёҳи бўлса кўкнор, ароба қурсин.

Кенг кўчаларни қилгай ўлгунча бесаранжом,  
Қилмай ўшал ҳунар деб нажжор, ароба қурсин.

Юкланган эрса ғалла, юрсин омонки ма'зур,  
Эски сўлоғи чиққан, бекор ароба қурсин.

Қишлоқ бетамизи бир игна олса қўшиб,  
Танг растасига киргай аттор, ароба қурсин.

Бўлса киройи тушсанг пуржинэлик каласка,  
Гарчандким, қилурлар гулдор ароба қурсин.

• Луччак аробакашлар кўкка боқиб ғўдайган,  
Босқай юролмаганда ҳуш'ёр, ароба қурсин.

Айлантириб бошингни, дил беҳузур доим,  
Миндим нетай сафарда ночор, ароба қўрсин.

Чиқсанг, Муқимий, бозор, айларга даф'и савдо  
Қилгай жаҳонни кўзга кўп тор, ароба қурсин.

## ЛОЙ

Кўчага чиқмасқа лекин сўхт ҳайрон қилди лой,  
Қор ёғиб, қайтиб баҳор эрди — зимистон қилди лой.

Барфу борон устига тинмай ёғиб бўлғониға  
Ўзи ҳам чоғимда ўлгунча пушаймон қилди лой,

Бўлмаган қишларда ёмғур, қор ўлуб фасли баҳор,  
Бош кўтарган сабзани хок ичра пинҳон қилди лой.

Порсою зоҳиду обид риоят айламай,  
Тойдуруб, ё сачралуб олуда домон қилди лой.

Бу фақиру бой демай, ногоҳ аёғига чолуб,  
Ерга ургайким ани, ёрабки, полвон қилди лой.

Очилуб бодому савсан, гуллаганда ушбу йил,  
Жойи тобистон магарким, тангри фармон қилди лой.

Кучага чиққоч Муқимий калмасин ўгуртуруб,  
Яхши қилди, нафси кофирни мусулмон қилди лой.

### ШИКОЯТИ БЕЗГАК

Илоҳиким, кэзи бұлғай қозондин ҳам қаро безгак,  
Тутиб, рангимни қилди, оздуруб, чун қахрабо безгак.

Қарилар суннагини гар йигитликда ҳавас қилсанг  
Берур илкиннга бир йўл ушласа, яхши асо безгак<sup>1</sup>.

Эл озорини кўзлар бўйла шиддатла тутуб қаттиқ,  
Магар андеша қилмас мункири рўзи жазо безгак<sup>2</sup>.

Зисар топо набуд аз дарди андуҳу ғамат холи  
Мусаллат шуд, худоё, тавба кардам, аз кужо безгак<sup>3</sup>.

Табу тобидин ўртаб жисм куйди сабру тоқат ҳам,  
Бу қайдоқ дард, ёраб: ман турай Қўқанда ё безгак.

Бағорат бурда қувватҳо, хурушон мерасад имрўз,  
Намедонамки, боз акнун чи ҳақ дорад бамо безгак<sup>4</sup>?

Йўғон бир одами семизни тутсинким, бир оз озсун,  
Тутар ман нотавонни, тутмаса ҳам гўё безгак.

Илоҳи бандамен ожиз, Муқимий, лутф қил, қолсун,  
Баҳаққи сураи қур'ону оёти шифо безгак.



## Ф О Н У С

(Завқийга жавоб).

Гап берилур борурда хуркоку сур фонус,  
Сигмайди ҳеч эшикдин мисли танур фонус.

Бир бўш қозонда қайнат илгари шам' ёқмай,  
Бўлсун мулойим андак, азбаски гўр фонус.

Ин'ом булди сизга гарчанд Тошкентдин,  
Бергаймудик деганда шайхантаҳур фонус.

Қўйса балога кишнаб оқшом сабаб будурким,  
Фонусларга мунда бўлган ғаюр фонус.

Сизникида нетонгким, бўлса пишиқу чаққон,  
Бизларда мундай эрди кўп ландаҳур фонус.

Йиртиқларин ямаб сиз яхши қилиб ёқинг 'шам',  
Ма'исс кетди мундин бо сад қусур фонус.

Бор эрди таб'ларда бермак сени биронга,  
Жойингни энди топдинг қилғил шукур фонус.

Хотирда йўқ эдиким, кўздин Муқимий кетсанг  
Завқий сени тилабдур, бермак зарур фонус.

**ДАР СИФАТИ АСБИ ТОЖИ ТИЛГРОФЧИ,  
БА ТАРИҚИ ҲАЖВ МУҲИМИЙ ГУФТААСТ!**

Синну солидин сурарсиэ гар отимни, дўстлар,  
Ушбу йил тўлса, мусулмонсиэ, аниқ мингга кирар.

Ёшлиғида борлиғи дандонларини оғзида,  
Кексалиғдин бормуди, ё йўқму билмас тишлар,

Қамчини зарби блан йўрттарда оғзича кетиб,  
Мастлар учган каби ул ерда ҳушидин кетар,

Ончунон лоғар, ҳаробиким, заифлик бобида,  
Қантариб қайдоғки уч кун кетсангиз шундоғ турар.

Ҳафта кавшаб, донан емдин олибон оғзиға  
Ютса, қайдоғким бутун, шундоғ ичидан боз ўтар.

Дарҳақиқат, Тожиё, бечоран ҳайвонга жавр.  
Рўзи маҳшар ҳақ қасос олса, сени ҳам бу минар.

## ҲОЖИ ҚАДОҚЧИ

Домиға тушмаган кам турфа тузоқчи Ҳожим,  
Бермайди қилса нас'я судраб, чатоқчи Ҳожим.  
Енгил ҳазилни билмас, нозу фироқчи Ҳожим,  
Кўрганда сўфи кундуз, оқшом қароқчи Ҳожим,  
Минганда ўзин олғай эшшак, улоқчи Ҳожим.

Бечора камбағалсан, филжумла тарз косиб,  
Чиқмайди чўнтагингдин урганда бир сўм осиб,  
Ҳарким билиб йўлини юрса, изини босиб,  
Илхингга қўндуруб қуш, ул сенга номуносиб,  
Боқиб ўзингга иш қил, касбинг қадоқчи, Ҳожим.

Ҳар ерда кўрса шубҳа, билгай ҳалолу тоҳир,  
Ботинда бухлу кина, ҳар кимга дўсти зоҳир.  
Оч қолса каллапазлар шурбоси борса ҳозир,  
Бу билмаган ҳунар йуқ, ҳарқайси касба моҳир,  
Ҳоли темирчи уста, ҳоли сувоқчи Ҳожим.

Халқ айди, келди чакки, дўконга келганингда,  
Келмас эдинг бу одам олдиға билганингда,  
Олдингда дўсту душман гаҳ унда чекканингда,  
То етмагай ғуборе, деб қўрқамен ёнингда —  
Э, Тожихон қароси юққай, бўёқчи Ҳожим.

Мажлисда лоф урманг, бор деб терак боғимда,  
Давлят шукур бажодур, йилқиларим тоғимда,  
Ҳовлимда мунча ғалла, хумлар тўла ёғимда,  
Иблис ҳийла дарсин анда ўқур чоғимда  
    Ўлганда панд бергай, келса сўроқчи, Ҳожим.

Ногоҳ бир тарафга қилсанг агар сафар сен,  
Чиққунча то шаҳардин эллик тушуб қўнарсен,  
Ҳарбир овулда ётиб бир кечадин тунарсен,  
Олдингда ҳоли тикмиш йиртиқ, синиқ қадарсен,  
    Бир ерда хўб яраштинг икки ямоқчи Ҳожим.









## ҚЎҚОНДАН ШОҲИМАРДОНГА<sup>1</sup>

Фар'ёдким, гардуни дун  
Лйлар юрак-бағримни хун,  
Кўрдик, бир аҳли фунун —  
Чарх анга кажрафтор экан.

Қолмай шаҳарда тоқатим,  
Қишлоқ чиқардим одатим,  
Хоҳи яёв, булсун отим,  
Гаҳ сайр ҳам даркор экан.

„Ўлтарма“<sup>2</sup> га қилдим юруш,  
Йўлдош эди бир читфуруш,  
Етдим жадаллаб вақти туш,  
Бирдам қизиқ бозор экан.

Бир ма'рака кўрдим бутун,  
Жам'и ёпинган бошга тўн,  
Боқсамки, беш юзча хотун,  
Воиз сўзин тинглар экан.

Мингбошилиқ кимнинг иши,  
Десам, деди бедониши,  
Бир „Қўштегирмонлик“ киши,  
Хўжа Исо бадкор экан.

Магруф, хасису бешу кам,  
Ҳар гапда юз ичгай қасам,  
Такжой олур моховдан ҳам  
Ҳожи ўзи мурдор экан.

„Дурманча“ га кетдим ўтуб,  
Ёқамни ҳар соат тутуб,  
Ётдим ул оқшом гам ютуб,  
Дашти қароқчизор экан.

Унда булус Ғози деди,  
Ҳам муфти, ҳам қози деди.  
Юрт барча норози деди,  
Қилгон иши озор экан.

Боз издиҳоми воизи,  
Бадкайф, очилмас кўзи,  
Юқори бошидин тизи,  
Эрмаклари кўкиор экан.

Сўрсам дедилар „Бўрбалиқ“  
Бир мунча эчкилар ариқ,  
Келса киши еяр тариқ,  
Шому саҳар тайёр экан.

„Оқ ер“ дин ўтдим, бойлари —  
Олий иморат жойлари,  
Меҳмонсиз ўткай ойлари,  
Келса биров ночор экан.

Аммо назарда „Рошидон“  
Фирдавс боғидин нишон,  
Ўйнаб оқар оби равон,  
Саҳни гулу гулзор экан.

Ма'юс бордим „Зоҳидон“,  
Бир кўча кетгунча дўкон,



Шух одами, ичмай пиён,  
Маст, отаси безор экан.

Сувлар сепилган сўрилар,  
Бўрланган ўчоқ-мўрилар,  
Таб'инг мабодо чой тилар,  
Дамлашлари ишқор экан.

„Олтиариқ“ қурсин ўшал,  
Селларда қолдим бир маҳал,  
Бўлдим ивиб ёмғурда шал,  
Тўн шилта, ҳўл эзор экан.

Мингбошиси сўфинамо,  
Тасбиҳу бўйнида ридо,  
Чўқуб қочар зоғи ало,  
Бир доғули айёр экан.

Хайру саҳо важҳига кар,  
Бир пулни юз ердин тугар,  
Келса гадой ногаҳ агар,  
Бир нон чиқиш душвор экан.

Кўрдим чуқур „Чим'ён“ эрур,  
Ер остида зиндон эрур,  
Душманлари меҳмон эрур,  
Боғи унинг тутзор экан.

„Водил“ мақоми дилфизо,  
Кучаларидур дилкушо,  
Анҳорида оби сафо,  
Себарга, обишор экан.

## ҚЎҚОНДАН ФАРҒОНАГА

Чун шаҳрдин чиқдим „Қудаш“  
Кўнгул бўлуб маҳзуну ғаш,  
Мажнун сифат, девонаваш,  
Сер чашмаю кам чанг экан.

„Яйпан“ агарчи хуш ҳаво  
Одамлари енгилнамо,  
Бир-бирларила доимо,  
Булар-бўмасга жанг экан.

„Нурсух“ каби бир жой кам,  
Тушмай ўтиб қилди алам,  
Олма, анор ўрнига ҳам  
Боғида току занг экан.

Кўп одамидин „Бешариқ“  
Боғларда экишлар тариқ.  
Етим ҳақи — гўшти балиқ,  
Қилмишлари найранг экан.

Чарчашни билмас юрсалар,  
Пурзўр кетмон урсалар.  
Вақти намозга келсалар,  
Масжид сорига ланг экан.

„Рафқон“ ажойиб жой экан,  
Бир кўча кетган сой экан,  
Салқин супа ҳай-ҳай экан,  
Ким кўрса ҳангу манг экан.

Озодадин тўпори кўп,  
Дукчисидин аттори кўп,  
Чойхўридин кўкнори кўп,  
Бир раста носу банг экан.

Айвончалар мисли катак,  
Бир йўлки, одам сиққудак,  
Чит бирла бир ерда алак,  
Бозори тору танг экан.

Хуфтонда кирдим бир дўкон,  
Қилди ашула бир жувон,  
Эшак деманг, ундин ямон,  
Ҳанграрда яхши ҳанг экан.

Қийғир кўтарган уч йигит,  
Ухлатмадилар бир минут  
Ҳам бошда тонг отқунча ит,  
Фингшиб чиқиб, ванг-ванг экан.

Айлай саёҳат энди бас,  
„Конибодом“ қилмай ҳавас,  
Ҳар ерда ётган хору хас,  
Кўзга тикан якранг экан.

## ҚЎҚОНДАН ИСФАРАГА

Афлок кажрафтор учун,  
Ҳардам кўнгул афгор учун,  
Қўқанд тангу тор учун,  
Сахро чиқиш даркор экан.

Бордим шаҳардин „Яккатут“,  
Баққоли дузди бадбурут,  
Бир танга соткай бир қурут,  
Инсофи йўқ, таррор экан.

Қишлоқ жувони йиғилишиб,  
Иссиғда уйнашгай пишиб,  
Ўтган тамошобин тушиб,  
Сешанба кун бозор экан...

Мингбоши Эшдавлат акам,  
Аммо қуруқ савлат акам,  
Қилса чиқим гар бир дирам,  
Уйқу қочиб, бедор экан.

„Яйфан“ каби толзор кам,  
Йўқ соясида зарра гам,  
Зебо санам, қоши қалам,  
[Жонон]лари бис'ёр экан.

Думалари ҳам хўб бажо,  
Волосной уҳдабуро,  
Юрт ишларини доимо,  
Ҳайриятин кўзлор экан.

— „Нурсух“ каби ҳам юрт йўқ,  
Боғдору деҳқон қорни тўқ,  
Масжидлари ҳам кўп улук,  
Турфа фараҳ осор экан.

„Рафқон“ни бозор жойи танг,  
Муллолари чаққон, гаранг,  
Омилари ҳам мулла ранг  
Куйлак кийиб, дастор экан.

Гар меваси бир туп сотар,  
Бир пулни юз ердин тугар,  
Берса гадога нон агар,  
Минг йилда ҳам душвор экан.

Аmmo „Работи“ баччағар,  
Йўқ ҳеч одамдин асар,  
Бир подажойи гову хар,  
Чун оғули тайёр экан.

Ду бора юрдим даштлаб,  
Бодом конига қараб,  
Мирзз Умарни сўрағлаб,  
Ҳавлисида нажжор экан.

Булғай ўшал Бурҳон омон,  
Яхши йигитдур бегумон,  
Хурсанд қилди ногаҳон,  
Мингбоши Хол саркор экан.

Армонки кўпрак юрмадим,  
Бир-икки ҳафта турмадим,  
„Тикка Работ“ни кўрмадим,  
Пур файз бузруквор экан.

Ма'юс чиқдим „Исфара“,  
Дил хаста, мажруҳу яра,  
Иссиққа куйган қопқора,  
Олти жиҳат кўҳсор экан.

Анҳору сою чўллари,  
Ўйнаб келадур сувлари,  
Ширинки зардолулари,  
Қанду асал бекор экан.

Шерсиз эмасдур бешалар,  
Бордур саховат пешалар,  
Қилманг ёмон андешалар,  
Яхшилари ҳам бор экан.

Қози жувонмарди накў,  
Бориб-келибон чоражў,  
Ногаҳ бўлиб дарди гулў,  
Санчиқ туруб бемор экан.

Ҳожи Зухур ҳам ўрдада,  
Сарҳавзлар, олий сада,  
Борса агар бир ғамзада,  
Жониғача эсор экан.

Бойваччасидур бадбуруш,  
Туғри сўзи аччиғ-туруш.  
Сил, эски бачча, чойфуруш,  
Ҳофиз Умар, Қаҳҳор экан.

Бўлма ҳаловатга касал,  
Оламда йўқ бениш асал,  
Бешак мукофоти амал,  
Дун'ё қурулгон дор экан.

Алҳамдулилло: бехатар,  
Келдим Муқим айлаб сафар,  
Музтар қолиб, кўрмай зарар,  
Ҳақ бандасига ёр экан.













## ТОШКЕНТГА НАЗМ БЛАН ХАТ'

Ассалом, э ошнойи қадрдонлар, ассалом,  
Қадридонлар, я'ни оқил нуктадонлар, ассалом.

Ҳарқаю мулкига етса мақдамингиз юмнидин,  
Ёраб, этсун тарҳи боғи бўстонлар, ассалом.

Ҳиммати олий тарингиз оқибат раҳбар бўлиб,  
Рузи қилгай тангри файзи жовидонлар, ассалом.

Қул узотсангиз агар не ишга гайраз манфаат,  
Зарраи кўрманг илоҳиким зиёнлар, ассалом,

Таб'иягиз ойинаси зангори ғамдин пок ўлуб,  
Доимо ҳуррам бўлинг, кўп йил амонлар, ассалом.

Не шарафлиғ соат эрканким келиб Хўқандга,  
Бўлдингиз бирнеча кунлар меҳмонлар, ассалом.

Телбадин ма'зур тутсангиз кўрамдин не ажаб,  
Бўлди хаттим тарк бирнеча замонлар, ассалом.

Мултамас шулким, саломингизни тарк этмай туринг,  
Мен ҳам эмди узмайин то танда жонлар, ассалом.

Ёдингиздин чиқмасам дермен бу нисбат бирла ким,  
Яхши-яхши бунда то биздек ёмонлар, ассалом.

Орзуи суҳбатингиз фикру ёдим субҳу шом,  
Соғинурмен ошкорою ниҳонлар, ассалом.

Ҳамдулиллоҳким, қўлим ҳам топти сиҳҳат андаки,  
— Ҳоли не кечди,— дебон қилманг гумонлар,  
ассалом.

Кафшу масҳи тугдилар қилган қалушка ва'дангиз<sup>2</sup>,  
Айлади та'хирингиз мундоқ ҳаёнлар, ассалом.

Каттаю ё кичкина бўлмай, хўжам, бўлсин васат,  
Бир кияй мен ҳам киёдур муслумонлар, ассалом.

Ёру аҳбобим дуосила Муқимий зиндаман,  
Гоҳ сиздин ҳам менга келсин нишонлар, ассалом.

.

## ПАЙҒОМИ МАНЗУМА

Андижон шаҳрида юрган ошноларга салом,  
Ошнолар, я'ни ул ақли расоларга салом.

Эртаю кеч берибон улфатчиликлар додини,  
Қилғучи менсиз ўшал зовқу сафоларга салом.

Ота Фозил ҳам Муҳаммадхону ҳожи Мирзабой,  
Қори Муҳиддин блан Аҳмад Боболарга салом.

Ҳожи Муҳиддин тўрам ҳам олсалар шояд  
Ким қилурмен ёд этиб Бўтақороларга салом.

Рухпарвар савтидин маҳруммен гарчандким,  
Ҳофизу созанда, жам'и хушнаволарга салом.

Робитам йўқтур агарчи, холисавлиллоҳ денг,  
Кўрсангиз ҳар ерда ринду порсоларга салом,

Гоҳи сиздин ҳам нетар келганда азрўйи карам,  
Дил шикаста, ранги-рўйи қаҳраболарга салом,

Фақр аҳлиға ниҳоятда тавози'лиғ Муқим,  
Не керак ба'зи такаббур, бадҳаволарга салом

## БОР ЭДИ

Оҳ вақтиким, нехуш лайлу наҳорим бор эди,  
Меҳрибон сандек десам ғам, ғамгузорим бор эди,  
Мақдамингла бошда тожи ифтихорим бор эди,  
Кузларимда нур ҳам белда мадорим бор эди,  
Қайда сансиз бир нафас эмди қарорим бор эди.

Чекмиш эрди даҳрдин ҳарқанча ғамлик хотирим,  
Нотавон кўнглим, ниҳоятда ситамлик хотирим,  
Келишингдин бўлубон хуррам аламлик хотирим,  
Сухбатингла шод бўлмишди бу ғамлик хотирим,  
Дилда васлингла фуруғи навбаҳорим бор эди.

Давлату иқбол жойидан ҳақ айлаб баҳраманд,  
Пояи қадрингни қилгай бора-бора то баланд,  
Айлагай ақронинг ичра сарфарозу аржуманд,  
Ҳеч ёдингга келурму, дебки ул шаҳри Қўқанд,  
Бир ғариб, бекас тағойи хоксорим бор эди.

Найлайин уртанмайин бахти қаролиқ ўтиға,  
Тоб бермай толиим, ваҳким, гадолак ўтиға,  
Ёнмишам ҳардам ўтундек бенаволиқ ўтиға,  
Бунда бизни куйдуриб мундоғ жудолиқ ўтиға,  
Ҳеч айтурсанми сен: хешу таборим бор эди,

Пур зиё чашмим кўруб, ногоҳ ра'но суратинг,  
Берди маҳзун кўнглима фарҳат мужалло суратинг,  
Ақча бирдан хат келиб тегди, на танҳо суратинг,  
Етди ун уч сўм ила хуш тарҳ зебо суратинг,  
Деб юбормишсан Муқимий интизорим бор эди.













## НАВБАҲОР

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди бсғлар,  
Суҳбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоғлар.

Хуш бу маҳфилда тириклик улфату аҳбоб ила<sup>1</sup>,  
Ўйнашиб, гоҳи табиатни қилайлик чоғлар.

Рух очиб кўздин ниҳон бўлса паридек, найлэин,  
Айрилиб ҳушу ақлдин телба бўлмай соғлар.

Ҳайфким аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,  
Олдилар ҳар ерда булбул ош'ёнин зоғлар.

Марҳам истаб кимсадин, эзхм изҳор айлэсанг,  
Чоран қилмоқдин ўзга, устига тирноғлар.

Тобакай мундоғ маломат кунжида доим Муқим,  
Бу замон кўз тутгин эмди сенга бўлсун тоғлар.

## АЙЛАДИНГ КЕТДИНГ

Кўнглумни ғунча янглиғ таҳ-батаҳ қон айладинг  
кетдинг,

Халойиқ ичра ма'юсу паришон айладинг кетдинг.

Отиб тийри жафо дилларга ҳар ёндин солиб раҳна,  
Нечук султонки, тан мулкани вайрон айладинг кетдинг,

Жудолиғ кунжида етмасмуди ҳасратда қолғоним,  
Яна ша'нимга бир ортуқча бўҳтон айладинг кетдинг.

Агар тош бўлса ҳам кўнглинг эриб лозим эди раҳминг,  
Кўзича душманим ер бирла яксон айладинг кетдинг.

Авалдин ошнолиғ қилмасамчи, охири ташлаб,  
Умидим шулмидиким, зору ҳайрон айладинг кетдинг.

Дуойи давлатинг кўзлар Муқимий, гарчиким маҳрум,  
Булакка не'мати васлинг фаровон айладинг кетдинг.

## Т О Л И И М

Оҳким, афсус, эмас ҳеч ишда раҳбар толиим,  
Вожгундур имтиҳон қилдимки, аксар толиим...

Юз тарафдин еткуруб гарди кудурат занги ғам,  
Айлагай оинаи таб'им мукаддар толиим.

Ҳарнеча қилсам тавалло-зори қилмас илтифот,  
Руйгардон, тескари, тобора бадтар толиим.

Рузгорим тийра, иқболим забун, бахтим қаро,  
Булса равшан, бормукин тадбири дигар толиим?

Ногаҳон берсам, Муқимий, бир мусулмонға салом,  
Даф'атан икки қулогини қилур қар, толним.

## БИР МЕНМУ

Асири чашминг оҳуи биёбон ўлди<sup>1</sup>, бир менму?  
Куруб она ҳам ҳуснингга ҳайрон ўлди, бир менму?

Руҳ очдинг пардадин ул субҳидамким, сайри боғ  
айлаб,  
Қолиб хижлатда гул чоки гирибон ўлди, бир менму?

Куяр жисмим на танҳо ишқинг ўтидинки, саҳрода  
Тушуб ўт, лолалар ҳам жумла сўзон ўлди, бир менму?

На ёлғиз мен хароби ҳалқани зулфу хату холинг  
Лабингга банда ҳам ла'ли Бадахшон ўлди, бир менму?

Кўюнгда телбаю девонадек юрганда айб эрмас,  
Сочингдин сунбулу райҳон паришон ўлди, бир менму?

Кўриб рамзи табассум, бу эрур деб ҳусн Юсуфлар  
Гирифтори ўшал чоҳи занахдон ўлди, бир менму?

Висолинг лаззатидин маззалар топган ҳарифлар ҳам,  
Келиб ойлар Муқими Янги Қўрғон ўлди, бир менму?

## ШИТОБАЙЛАБ

Шитоб айлаб юарда нозу истиғноларинг бордур,  
Қаён борсанг анингчун шўришу ғавғоларинг бордур.

Ҳамиша ва'дага мони' чиқар, шулдур гумонимким,  
Уруб йўлдин ю'ормас ошиқи шайдоларинг бордур.

Агар инсоф қилсам сарв қадлар хайлила, жоно,  
Ажаб хил'ат ярашган қомати зеболаринг бордур.

Боқиб ойнага' даркёр эмасдур сурмалар қўймоқ,  
Қаро оҳу кўзидин наргиси шаҳлоларинг бордур.

Халос ўлмоқ муанбар доми зулфингдин иложи йўқ,  
Бошимда мўйисардин ҳам фузун савдоларинг бордур.

Эшикига урулган боғи ҳуснинг қулфиму олтун,  
Ваё камзулларингда ла'лгун тугмоларинг бордур.

Не деб рашк оташига куймасун кўнгли Муқимийнинг,  
Мудом, э нозанин, бегонадан ошноларинг бордур.

## А Қ Л У Ҳ У Ш

Ақлу ҳуш учди бошимдин э пари, девонаман,  
Бир иложи қил, эл ичра бўлмайин афсонаман.

Ул замониким, йироқ васлингдин ўлдим, то бу дам  
Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудин уйғонаман.

Лаҳзан заҳри ғаминг ютмоққа тоқат қолмади,  
Нўш этиб васлинг майидин ҳам қачон бир қонзман.

Дарду сўзу ашку оҳимни қиёс эт шам'дин,  
Иломдин то субҳидам ҳажрингда ўртаб ёнаман.

Хома мужгон, кўз қаросидин ёзиб рози дилим,  
Арзан қилдим эшит, ма'юсу муштоқономан.

Оҳким сенсиз қарору сабру оромим кетиб,  
Бир илон чаққан кишидек ҳар тараф тўлғонаман.

Навбати жомим тўла қуйғил, карамдин, соқиё,  
Ҳар қадамда то қилай юз лағзиши мастонаман.

Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим э'тибор,  
Ибул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.



## **ЗУЛМ ИЛА ҚАҲРУ ҒАЗАБ**

**Зулм ила қаҳру ғазаб изҳор қилмоқ шунчалар,  
Ошиқи бечорага озор қилмоқ шунчалар.**

**Гул дебон севган кишининг кўкрагига ниш уриб,  
Хастаю ма'юс этиб, афгор қилмоқ шунчалар.**

**Тўтийи ширин сухан ағ'ёрларнинг базмида,  
Бизга келганда гапирмай зор қилмоқ шунчалар.**

**Сизга ким айди: муҳаббат аҳлини қил эҳтисоб,  
Қўрқутиб ўз айбига иқдор қилмоқ шунчалар.**

**Келса олдингизга бойсурат, ёқоси тугмалик,  
Иззат ила шоду миннатдор қилмоқ шунчалар.**

**Гарчи келса эски тўн, биздек дуоғўйи фақир,  
Камбағалнинг хирқасидин ор қилмоқ шунчалар.**

**Ҳар балою жабр келса ёнмагай ҳаргиз Муқим,  
Ошиқ аҳлини урубон хор қилмоқ шунчалар.**

## ЖАҲОН БОҒИДА

Жаҳон боғида ҳам гулгун қаболар бор экан мундоғ,  
Олиб кўнглунгни сўрмас, дилраболар бор экан  
мундоғ.

Не нуқсон ҳусниға ўтканда деб ўтса хаёлида:  
Йўлумда рангу рўйи қаҳраболар бор экан мундоғ.

Қачон туткай эдим, аҳбоблар, гулчехралар номин,  
Агар билсам эди жавру жафолар бор экан мундоғ?!

Неча сўзи дил изҳор айласангиз, қилмагай парво,  
Асарсиз, мустажоб ўлмас дуолар бор экан мундоғ.

Кўрунуб ишқ осон, бошларимға тушди билдимким,  
Жудолиғда қиёмат можаролар бор экан мундоғ.

— Машаққатлар чекиб ҳажримда не кечди, — демас, —  
ҳоли,  
Ямон бегонадин ҳам ошнолар бор экан мундоғ.

Муқимий нега афғор ўлмасун кўнглинг нишон  
айлаб,  
Отарға тийри мужгон, қоши ёлар бор экан мундоғ.

## ҚАЙДА БОРАЙ

То жилва қилди ул пари, мен мубтало қайда борай?  
Эмди дегайким, бор нари, мен мубтало қайда борай?

Кокилларин дом айлади, субҳим қаро шом айлади,  
Тобора ноком айлади, мен мубтало қайда борай?

Умри бўлуб оворалар, кўксимда битмас ёралар,  
Гар қилмас эрса чоралар, мен мубтало қайда борай?

Юз ноз ила бир-бир босиб, келди ниқобини очиб,  
Ҳайрон қилиб кетти қочиб, мен мубтало қайда борай?

Етти фалакка нолишим, ҳал бўлмади мушкул ишим,  
Ўзга-ўзидин йўқ кишим, мен мубтало қайда борай?

Ёраб ёмону гандаман, осию ҳам шармандаман,  
Не ҳукм бўлса бандаман, мен мубтало қайда борай?

Борсанг кўйиға, косидо, айғил Муқимийдин дуо,  
Баским заифу беасо, мен мубтало қайда борай?

## О Л Х А Б А Р

Ол хабар ул сарви ноз уйқусидан турганмукин?  
Ногаҳ турган бўлса, туш-муш ҳам, сўранг,  
кўрганмукин?

Ботмасун кўргач хижолат абри нчра офтоб,  
Турса ҳам чиқмай дебон эшикка, ўлтурганмукин?

Қатра-қатра дур нисор этмакчи эрди кўзларим,  
Макдамига, билмадим, оёки топшурганмукин?

Ошнолиқ аҳлида маҳкам эрурмен уствор,  
Айла мазмун ва'дасида, қосидо, юрганмукин?

Рози дил бир-бир сабога шарҳ қилдим, ёрга  
Гар деган бўлса мабодо тоза уқтурганмукин?

Жўралар базмида арз айланг гаҳи Фарзинчага!  
Эсидин чиқмай Муқимий, ёдида турганмукин?

### **БИР КЕЛИБ КЕТСУН**

Сабо, арз айла то ул зулфи райҳон, бир келиб кетсун,  
Ки топсун бўйидин тан ҳар нафас жон, бир келиб  
кетсун.

Қолиб ҳижронларида, соғиниб ҳасрат ёлан охир —  
Жаҳон гулзори бўлди менга зиндон, бир келиб кетсун...

Қади сарви саҳини мунфаил айлаб, очиб ораз  
Қилиб гулни хижил чоки гирибон, бир келиб кетсун.

Кўрарга бениҳоят зору муштоқ ўлғаним айтинг,  
Агар бўлса иши ҳам ҳаттад-имкон, бир келиб кетсун.

Келишга фурсаги гар бўлмаган вақтида ҳам лекин  
Ики тошни оросида шитобон бир келиб кетсун<sup>1</sup>.

Муқимий ҳоли зорин сўрғали айни мурувватдур,  
Дегил инсофлик бўлса мусулмон, бир келиб кетсун.

## ЁР ИЛА

Ёр ила не хуш замони рӯзгорим бор эди,  
Подшолик давлатидин ҳамки орим бор эди.

Гоҳ беморини йўқлаб келса, айлаб жон фидо,  
Гавҳари ашки қудумиға нисорим бор эди.

Ҳечбир сўрмасмуди, ноком давронлар ўтар,  
Қуллари ичра башарти э'тиборим бор эди.

Очилур кўнгул қачан қолганда кўз ёшим қуруб,  
Айласам то сабзу тар абри баҳорим бор эди.

Қайси жонибдин келур деб, термулуб ҳар соати,  
Йўлларида чор чашми интизорим бор эди.

Хўблардин чекмиш арканман жафою жаврлар,  
Қайда билсам, ошнолиқ ихтиёрим бор эди?

Бағри қаттиқ бўлмас эрса демагай ҳаргиз нечун:  
Ўтса ойлар ҳам, Муқимий дилфигорим бор эди?!

### АВВАЛДА КЎРМАСАМЧИ

Аввалда кўрмасамчи, бағрим кабоб кўрмай,  
Бир лаҳза сабру тоқат йўқ кўзда хоб кўрмай.

Тухми муҳаббатингни жон мазраиға сочдим,  
Боқким, экин пишарму то офтоб кўрмай?

Оқса не тонг сиришким чиққанда хатту холинг,  
Райҳонга ҳеч равнақ етгайму об кўрмай?

Ўт мадраса саридин, илм аҳли дарси ҳуснинг  
Фикрида та'тил айлаб, юрсун китоб кўрмай...

Гоҳи карам юзидин сўрғилки то бу янглиғ  
Ағ'ёр та'насинин ўқ беҳисоб кўрмай.

Э хўблар амири, сандин умид этиб лутф.  
Қилди ғазал Муқимий, кетмас жавоб кўрмай.

## Қ А Ч О Н Ғ А Ч А

Ағ'ёрларга лутф ила эҳсон қачонғача?  
Қилмоқ кўнгулни лола каби қон қачонғача?

Ҳажрингда тийра рўз утуб, заҳри ғам маош<sup>1</sup>  
Мундоқ ниҳонсен, э маҳи тобон, қачонғача?

Юз ва'дани бирига қачон айладинг вафо,  
Синдурмак ахир аҳд ила паймон қачонғача?

Вайрон кўнгул бинолари булганда майлиму  
Қилмак кўзимнинг ёшини тўфон қачонғача?

Булбул фиғону қумри чекиб оҳу нолалар,  
Гуллар чаманда чоки гирибон қачонғача?

Васлингга ҳам етармуди, э Лайливаш, киши,  
Мажнун кезарда даштда ҳижрон қачонғача?

Кокилларингни шоналар айлаб Муқимийни  
Қилмак бу шева бирла паришон қачонғача?



## Х У Ш Л А М А С

Гул юзинг кўрган киши сайри гулистон хушламас,  
Ташна, майгун лабларингга оби ҳайвон хушламас.

Рангу рухсору бу зулфу холу хатким сендадур,  
Курса ҳарким боғда сунбул бирла райҳон хушламас.

Кимки майгун лабларингдин топса, жоно, лаззати,  
Талху аччиқдур наботу обидандон хушламас.

Бўйла жавлон айласанг ҳар кун назардин, э парн,  
Бўлмағай одам нечук сарви хиромон хушламас.

Оч юзингни, токи ҳайронлар қолиб бўлса не тонг.  
Кечибон Лайлосидин Мажнун биёбон хушламас.

Эшитиб жонбахшу руҳафзо каломинг қайси кун,  
Бўлди кўнглум ҳеч тўтийи суҳандон хушламас.

Носиҳо, ҳуш тутма дерсен қоши ёларни, Муқим,  
Бу сифат меҳробни қайдоқ мусулмон хушламас?

## К А М

Рост қаддингдек жаҳон боғида сарв озод кам,  
Ҳам бу қотил кўзларингдек қон тўқар жаллод кам.

Вах на бепарво фалак, шўхи ситамгардурки сен,  
Бўлмаган вайрон алингдин хотири обод кам.

Офати жон, зулфи райҳон, анбарин холу хати,  
Юзлари гул, сочи сунбул, қомати шамшод кам.

Фитнахў, тунду тағофул пеша хўблар кўп: ва ле',  
Сан каби бебоку золим, сангдил, пўлод кам.

Одамидин бир ўзингдек навжувон бор ўлғонин  
Ушбу гулшан ичра пири даҳр билгай ёд кам.

Хома сандурди, чекалмай суратниг тасвирини,  
Синган эрди шунча суратлар чекиб Беҳзод<sup>2</sup> кам.

Наргисинг жаврин Муқимийга кўруб раҳм айламиш,  
Чарх айлар неча кундур мен дедим бедод кам.

### С И З

Кишини жонидек жисмимдаги руҳи равонимсиз,  
Қачон мумкун жудолиқда тириклик, чунки жонимсиз.

Жаҳон бозорида суди топар ҳарким матоидин,  
Мени нақди муҳаббатдин топиб қилган ҳаёнимсиз.

Муолиждин кўруб набзим, ҳакимо, ёзма „қонун“ча<sup>1</sup>  
Бу ҳикмат бирла билмайсиз, надур дарди ниҳоним сиз.

Лабингизму десам ширин-шакардин, аччиғи келган  
Урушжў, тундхў сиз, кўп ёмон номехрибоним сиз.

Халойиқ масти саҳбойи жунун, ғавғойи маҳшардур,  
Очиб юз пардалардин жилва қилган бегумоним сиз.

Нигор этмиш нигорим пойини ганги хино бирлан<sup>2</sup>,  
Не хуш нисбат оқинг йўлиға, э кўзларда қоним сиз!

Агар бегонадиким, ҳар нафас юз минг жафо чексам,  
Бўлубон ошноким, куйдурусиз устухоним сиз.

Ўтарди ёр, келмай қолди тил сўзға, кулуб айди:  
— Қалайсиз, камнамосиз, гунгу лолу безабоним сиз?

Ўт урдим шам'дек маҳфилда мен ҳам танга сар топо,  
Куяй ўлгунча, э носих, қўйинг тутманг иноним сиз.

Ҳаво бир гул хаёлида чекармен ҳамдамим булбул,  
Ўқуб беҳуда билмангсиз, Муқимий, достоним сиз.

## Ў Х Ш А Й Д У Р

Кўнгул фикри лаби ла'ли блан қон ўлди ўхшайдур,  
Деманг қон, балки бир ла'ли Бадахшон ўлди ўхшайдур.

Бўялган лолаю гул дашту саҳроларда қонига,  
Шаҳиди новаки ул тийри мужгон ўлди ўхшайдур.

Йўлида термулурмен субҳдин то шом ҳам келмас,  
Бугун ағ'ёр ила шам'и шабистон ўлди ўхшайдур.

Лабидин ва'да айлаб бўсаи қил деб адо қилмас,  
Магар ушбу кароматдин пушаймон ўлди ўхшайдур.

Кўзинг сувлар сениб фаррошлар мужгон блан мардум,  
Хаёли кўнглими уйинга меҳмон ўлди ўхшайдур.

Кетар азм айлабон Хўқанд сори хуш қолинг аҳбоб,  
Муқимий фориғи сайри Намангон ўлди ўхшайдур'.

## К Е Л Д И М

Кўп эрди ҳасратим, жоно, қилэй изҳор деб келдим,  
Муқими кунжи гам эрдим<sup>1</sup>, сени ғамхор деб келдим.

Хатингму раста-раста, сабза ё райҳони жаннатму,  
Юзинг кўрсат, тамошо айлайин гулзор деб келдим.

Бориб ойдек жамолингга тўяй деб соғиниб чиқдим,  
Қачон қилмоқ учун савдо-сотуқ бозор деб келдим.

Кўзим оқсун ғараз ком ўлса гар ўзга тамошойи,  
Нигоро, васлинг истаб маҳз бир дийдор деб келдим.

Қаро оҳу кўзинг ёдида эрди тийра айёмим,  
Малоҳатда юзинг хуршиди пур анвор деб келдим.

Азоб эрмас эди чиқмоқ кишига қип ҳавосида,  
Бошинг ҳаққиқи, шундин-шунга мен, сен бор деб  
келдим.

Қўй, эй мутриб. „Баёт“. „Ушшоқ“ ёқмайди қулоқларга,  
Тараннум айласанг маҳфилда қил „Гул’ёр“ деб келдим.

Гирибонингдин очсам тугма бир-бир тутмағил илким,  
Ярашган румча кийган кўйлакинг гулнор деб келдим.

Қошинг меҳробига жону дилим бирла эгиб қаддим,  
Белимға боғламакка зулфлар зуннор деб келдим.

— Бу ерга ким учун келдинг? — дебон сўрма  
Муқимингдин,  
Кўрарга бир суманбар, сарви гулрухсор деб келдим.

## ЁРИ БОР

Кимнинг инсон хайлидин ул нозаниндек ёри бор,  
Арзи рухсор этса ҳар қайдоқ пари ҳам ори бор.

Курмиш оёким хиромини чаманда рашкидн  
Эрта-кеч товусларнинг оҳи оташбори бор.

Боғи васлидин узарга олма қилсанг илтимос,  
Нозлар бирлан дегайким: — олма йўқтур, нори бор.

Мубталойи доми зулфи бўлмас арса не учун,  
Бўйла тарсолар белида ҳалқаи зуннори бор?

Тонимай ўтса баногаҳ ул санам ма'зур тут,  
Сен каби йўлида минг-минг ошиқи дийдори бор.

Шам' — бепарвона, гул — бебулбулу беқумри — сарв,  
Бўлмас, ҳусну ишқнинг оламда то осори бор.

Неча ҳажрида, Муқимий, инжима қилсанг алам,  
Кетмагай бекор охир — роҳати бис'ёри бор.

## САЙРИБОН

Юзларинг очдинг магарким сайр этибон боғлар,  
Гул хижил очилганига, гунча қат-қат доғлар.

Бўйлаким саҳрода ноз ила хиром этсанг нетонг,  
Лоляю гуллар очилса, ўрнидин янтоғлар.

Кўрубон кабки дари рафторинга деб: офарин,  
Қочдилар шармандаликдин сўйи дашту тоғлар.

Найлайин ҳар ерда бўлсанг ҳам, омон бўл —  
Шодмен, ўйнаб-кулибким бўлса вақтинг чоғлар.

майлига:

Бу малоҳатда сенга, жоно, ёмон боққан киши,  
Хор ўлуб, оламда тўлғай кўзиға тупроғлар.

Ноғиҳон базмингни кўрганда Муқимий, бул'ажаб,  
Телбаю девона бўлмаслар Ойим қишлоғлар.



## К Ў З Л А Р И Н Г

Сурма қўймай мунча ҳам, жоно, қародур кўзларинг,  
Ҳар бири жон қасдига боққан балодур кўзларинг.

Ошно бегоналарга, бир умр хуш-хуш нигоҳ,  
Ошноларга ғараз ноошнодур кўзларинг.

Боқмағай ошиққа саҳван ҳам қиё, фар'ёдким,  
Расму ойини магар жавру жафодур кўзларинг.

Оҳуёи чин кўрдию шаҳлолиғидин қон ютуб,  
Раиқдин оворан дашти Хитодур кўзларинг.

Наргиси мастингдин узмак мумкин эрмас дийдани,  
Ёки мужгон даврида меҳри гиёдур кўзларинг.

Интизор айлаб ўзи ҳам, ажрига ойинасиэ,  
Ўз жамолини кўралмасдин адодур кўзларинг.

Қумри сарви қадду, булбул гул юзингнинг толаси,  
Мен Муқимийга ҳамиша муддаодур кўзларинг.

## З О Р А Й Л А Д И Н Г С Е Н Ҳ А М

Нигоро, бир кўрарга оқибат зор айладинг сен ҳам,  
Десам захмимга марҳам, жонима кор айладинг сен  
ҳам.

Кўнгул қон ўлганим етмасмуди боз устига охир,  
Бу янглиғ интизору дийда хунбор айладинг сен ҳам.

Чекар товус оҳу нола айлар кабик рашкидин,  
Магар жавлон қилиб боғларда рафтор айладинг сен ҳам.

Қўлимдин ихтиёрим кетти бир дам, қолмади ором,  
Парилардек қачонким фе'лу атвор айладинг сен ҳам.

Чекиб жавру жафолар, шўхлардин камму та'зирим  
Ки, якбора осарга беғунаҳ дор айладинг сен ҳам.

Муқимий, қайси гул ишқида мундоғ ўтлу булбулдек  
Фигон қилдинг, куюб фар'ёди бис'ёр айладинг сен  
ҳам.

## ЯНА

Шўхи паривашига гирифтормен яна,  
Васлинг кўрарга шому саҳар зормен яна.

Ра'нолар ила кам эди тобим, жафо чекиб  
Найлай, бировнинг ишқида бемормен яна.

Айлаб ҳамиша хўблара уйқуни ҳаром,  
Бир нозанин ёдида бедормен яна...

Хор этти ишқ ҳаргули хумроға боғ аро,  
Та'н этма боз бир гул учун хормен яна.

Охир шароб тут қадаҳи, соқиё, букун.  
Даврингда сахт лоҳазу хуммормен яна.

Ногоҳ, Муқимий, учраса ақлу ҳушим кетиб,  
Кўрган еримда сурати девормен яна.

## АНОР

Не'мат ичра хуш латофатликда мустасно анор,  
„Қой“ агар ҳикматда дерлар қотни саффо анор.

Ме'дани покиза айлаб, иштаҳони келтуруб,  
Куп гизо қилғанни қилгай рангини ҳумро анор.

Аччиғида хосият кўпдур, ҳавосида хусус,  
Бўлса ширин ташналик даф'игадур танҳо анор...

Бор масалким: яхши одам дер эдим, ўзи билур,  
Йўқса айлардим қачон сизларга мен да'во анор.

Хартаси бирлан юборинг гоҳ-гоҳи лутф этиб,  
Буйла келганда Наманган шаҳридин савго анор.

Ногаҳон ўртаб юрак турганда келтирди ўғул,  
Шодлиғимдин, деб юборибмен, Муқимий, ё анор!

## УЛ МАҲЛИҚО КЕЛСУН

Бориб арзимни еткур, эртароқ ул маҳлиқо келсун,  
Кетиб, ҳижрон ўтиға куйдуруб, қилмай адо келсун.

Чекарға фурқатини эмди бир зарра мажолим йўқ,  
Агар шул вақт келса тоза, лекин, авлиё келсун.

Бу юрган норасолар базмида хуш бўлмагай кўнглум,  
Агар ҳар лаҳза қон югурса ҳам ақли расо келсун.

Қўнарға ўзга манзил истамай та'йин қил, э қосид,  
Нишимангоҳи кўзлар манзаридур, беибо келсун!

Ғуборим ерда қолди бир хиром айлаб бошим узр,  
Қилурға заррани хуршид бирлан ошно, келсун.

Жудолиқ дарди ҳам аг'ёр та'ни — оҳ улдурли,  
Ёруғ дун'ёни кўп ҳам айламай зиндонсаро келсун.

Муқимий илтимосим шулки: шўхи гул узоримдин,  
Қудумиға агарчи сийму зар кам, жон фидо келсун.

### ИНТИЗОР ЭТДИ МЕНИ

Ва'да ёлгонлар тилисми интизор этди мени,  
Бош-аёғ гуё дили уммидвор этди мени.

Марг бирлан ҳам гаронлиғ тупроғимдин кетмагай,  
Тошкўнгуллиғда қазо санги мазор этди мени.

Булмасун маҳрум тавфи доманим деб шукрким,  
Хоки баржомондаи эрдим ғубор этди мени.

Хубрўлар ишқини қасд айладимким тарк этай,  
Бўлмади, ма'зурман, беихтиёр этди мени.

Сўрмангиз бир лаҳза таскинимдин, э аҳбоблар,  
Найлайин сиймоб янглиғ беқарор этди мени.

Ёр, кўйида нетанг бўлса фузун девоналиғ,  
Та'наи ағ'ёрим ила сангсор этди мени.

Билмадим, Фурқат, жаҳон боғида сен не ранг гул,  
Лоладек қат-қат Муқимий доғдор этди мени.

## РА'НОЛИҒИНГ БОРДУР

Эрам гулзоридин ҳар ваҳҳдин ра'нолиғинг бордур,  
Фараз лутфу назокатда чаман оролиғинг бордур.

Каломинг жонфизойним, такаллум айласанг ширин  
Жаҳон тўтиларини олдида гўёлиғинг бордур.

Бу гулшан гуллари бирлан очишсанг ногаҳон рухсор  
Руунат авжида ҳар бобдин ҳумролиғинг бордур.

Рамаққа етса ҳам нозу тағофул ишларинг жонлар,  
Нигоро, сахт ошиқларга беларволиғинг бордур.

Халойиқ ичраким қўзғолди мундоғ фитналар боис  
Ўзингни ҳам бир оз лекин кўнгул оролиғинг бордур.

Агар за'фимни рангимдин қиёс этсанг бўлул баским,  
Баён даркор эмас ақлу хирад донолиғинг бордур.

Нечук кўнглим Муқимий куймасин рашк ўтиға охир,  
Қолиб ошноларинг бегонага ошнолиғинг бордур.

## ЯККА БУ ФАРҒОНАДА

Ошиқ эрмасман юзингга якка бу Фарғонада,  
Зоҳид истар ка'баларда, барҳаман бутхонада.

Кимга дод айлан бу бедодингни ман, э сангдил,  
Ошно бўлдум десам, кўнглунг сени бегонада.

Шам'и рухсоринг ёнар маҳфилда гул-гул кечалар,  
Бормуди қасдинг магар куйдургаги парвонада.

Ман' этиб, э муҳтасиб, ҳардам бошимга келмагил,  
Булса найлай маст бўлмай масканим майхонада.

Манзилимни сўрма, э мағрури мулку дастгоҳ,  
Даҳр саҳройи жунун уй бўлмагай девонада.

Булбул айлар нолалар ёлғиз дема, э гул'узор,  
Чўғздек қилгай Муқимий ҳам наво вайронада.



## ОШИҚЛИҒ ФАНИМ

Хўбларнинг меҳри бўлди пешам, ошиқлиғ фаним,  
Кимки қайтарса бу ишлардин ўшалдур душманим.

Бир бути бегонапарвар, ошнокуш ишқида  
Доимо ғам ҳамдамим, ҳар ерда гулхан масканим.

Кўрсангиз эгнимда пероҳан эмас, жон ваҳмидин  
Ғам сипоҳи тийрборонига кийган жавшаним.

Э кўзум, нокомлиғдин йиғла чандон ким бадард,  
Ғарқ бўлсун ашк дар'ёсига бун'ёди таним.

Доду фар'ёд айлаликим, ўтди қилмай ним нигоҳ,  
Сангдил пўлад ул бад меҳр кўнгул оҳаним.

Та'наи аг'ёр ўлдурди дегайсан, қосидо,  
Йўлларида оқибат шул бўлди кўрган, боққанам —

Шам' фонусдин, Муқимий, ошкоро партави,  
Бул'ажабким, тийра рўзим қилди таб'и равшаним.

## СОҒИНИБ

Меҳри рухсорингга, жоно, зордурман соғиниб,  
Кўргали муштоқ, дил афғордурман соғиниб.

Субҳи васлим фуқратинг шоми блан топти завола,  
Қон тўлиб кўзга шафақ осордурман соғиниб.

Хастаю ма'юсу бемор айрилиб ғам кунжида  
Мустаҳиққи пурсиши бис'ёрдурман соғиниб.

Ёдима сози дутору руҳ афзо хонишинг  
Тушса ҳар соат батарроқ зордурман соғиниб.

Хоҳ бовар қилма, қил, сансиз мусулмонсан агар  
Ғунча янглиғ дийдаси хунбордурман соғиниб.

Ашки олу ранги зардимдин қиёс этсанг бўлур  
Ҳожати гуфтор эмас изҳордурман соғиниб.

Ҳасратингнинг назмини ёзиб Муқимий сафҳага  
Кору борим дам-бадам такрордур ман соғиниб.

## НИГОРИ МАҲВАШ

Нигори маҳвашиким кам бўлур мундоғ парипайкар  
Санавборбўй, насринхўй, сумбулмўй, сийминбар.

Зарифу зираку дилхоҳу дилжў, дилкашу марғуб,  
Расотаб'у салимилваз', базморо ажаб дилбар.

Адофаҳму сухансанжу шакаргуфтору шўрангиз,  
Сабехулважҳу, некўшаклу матбуу накў ахтар.

Малоҳат осмонида юзи хуршеди тобони  
Латофат бўстонида қадидин сарвдур музтар.

Хироми бандаси кабку каломи воласи тўти  
Кўзи саргаштаси оҳу, лаби шармандаси шаккар.

Асри ҳалқан зулфу хатидур сунбулу райҳон  
Фуломи доғдори оразидур лолан аҳмар.

Нетар жаннатни нас'я, нақд турганда Муқим ошиқ,  
Ўзи ҳур, кўзи хулду қадн тўби, лаби шаккар.

## СУРАТИНГ

Мумкин улса кўрмоғим, э сарви ра'но, суратинг,  
Айласам чашмин аро мардум каби жо суратинг.

Кўзларингни, не ажаб, зоҳид кўруб беихтиёр  
Боқмаса меҳробга борида қат'о суратинг.

Сабр бун'ёдини бир боқиш блан барбод уруб,  
Оҳким, солди кўнгул мулкига яғмо суратинг.

Вақтида келсанг вужуда бу малоҳатда куруб,  
Ёнса, Юсуфдин нетонг эрди Зулайхо суратинг.

Дилбаро, боғ ичра қил юз нозлар бирлан хиром,  
Қилмасун да'во кўруб товус асло суратинг.

Хўбрўлар бирла оқшом базмида қилдим қиёс,  
Ўзгалар юлдуз каби, хуршеди танҳо суратинг.

Ул замонким ҳусни холу хатларингдин бўлди гап  
Ғойибона бошлара ортурди ғавғо суратинг.

Ногаҳон топсам сиҳат беморлиғлардин Муқим,  
Бир бориб дерманки курсам иншоолло суратинг.

## ЭТ САНГ НЕТАР

Минг салом этган кишига бир салом этсанг нетар,  
Иззатинг тутганни сен ҳам эҳтиром этсанг нетар.

Ўтурурсан ошиқа боқмай, гапирмай, тунд булиб,  
Сўзларинг тўти каби ширинкалом этсанг нетар.

Гайра ёру ҳамзабон бўлмак неча аз рўи лутф,  
Мен блан ҳам ошнолиғни мудом этсанг нетар.

Соқиё, даврингда мендин ташнароқ йўқ талхком  
Айламай маҳмур мундоғ масти жом этсанг нетар.

Гунчалар очилмасун ботиб хижолат қонига,  
Бир табассум бирла корини тамом этсанг нетар.

Кабк ила товус рафториға мағрур ўлмасун,  
Хурваш, юз нозлар бирлан хиром этсанг нетар.

Номаи хуни жигар бирлан ёзар умри Муқим,  
Сен ҳам эмди бир жавоб айлаб паём этсанг нетар.

## АЙРУЛМАСУН

Ҳечким мендек илоҳи ёридан айрилмасун  
Меҳрибон, мунис ўшал дилдоридан айрилмасун.

Хону монларни бериб барбод етмай васлиға,  
Бўлубон ма'юс йўқу боридин айрилмасун.

Ҳажр осеби хазонида бўлиб шўридаҳол,  
Андалиби мен каби гулзоридин айрилмасун.

Қосидо, кўнглим қуши банд эрди, айғил зинҳор,  
Ишқилибким зулфи анбарборидин айрилмасун.

Дўстлар, кўрсатмасун ҳаргиз жудолиғ дардини,  
Душманинг ҳам бўлса ўз ғамхоридин айрилмасун.

Бандаи, ёраб, Муқимийдек бўлиб хору касод  
Суду савдодин қолиб, бозоридин айрилмасун.

### МЕҲРИНГИЗ

Дилда то, э сарви ра'но, меҳрингиз,  
Менга бўлди даф'и савдо меҳрингиз.

Куймоқ ўлди, оҳ, корим айрилиб,  
Тушган эркан дилга бежо меҳрингиз.

Телбау девоналардек оқибат,  
Кучаларда қилди шайдо меҳрингиз.

Йиғлар эркан бул'ажабким, қон мудом  
Ҳар кишиким қилса да'во меҳрингиз.

Боғда гул кўксида қат-қат доғлар  
Бир эмасдур менда танҳо меҳрингиз.

Ўлдурур ҳижронларингиз то бакай,  
Борму охир ҳеч асло меҳрингиз.

Борса зоҳид тақвию тоат блан  
Менга басдур тухфа фардо меҳрингиз.

Йўқ экан, жоно, Муқимийсизки, сиз  
Айладингиз сайри саҳро, меҳрингиз.

## БОРМУКИН

Боғаро ҳам сен каби сарви хиромон бормукин  
Юзлари гул, сочи сунбул, зулфи райҳон бормукип.

Хур пайкар, тўтидек ширин такаллум, хушсухан,  
Тишлари дур, лаблари ла'ли бадахшон бормукин.

Неча кўз тутдим йўлида қилди келмай интизор,  
Дўстлар, васлини кўрганларда армон бормукин.

Э ҳақими муддаи, қилғил жавоби босавоб,  
Ишқнинг дардиға ҳам дорую дармон бормукин.

Ўзгалар ҳар кун, Муқимий, комёби базми васл,  
Сенга ҳам боре нигоҳу лутфу эҳсон бормукин.



## ҚИЛМА КЎП

Қошни шамширини бош кесмакка бурро қилма кўп,  
Ёш бошингга мунча ҳам қонларни дар'ё қилма кўп.

Оч юзингни бир келиб бу кулбаи эҳзонда ҳам,  
Ғайр базмида ҳар оқшам шам'дек ёқилма кўп.

Ноз ила жавлон қилиб ҳар дам назарлардин ўтиб  
Тоза-тоза доғлаб бағримни шайдо қилма кўп.

Ёр кўйига кеча розимни изҳор эттали  
Фош ўлур, э итлари борганда ғовғо қилма кўп.

Нотавон жон ҳалқан зулфига йиллардур асир,  
Устига вобастаи юз шўру савдо қилма кўп.

Охири хижлат чекарсан кўрубон нозук белин,  
Боғда, э сарви сиҳи, қаддингга да'во қилма кўп.

Ногаҳон инсофа келса не ажаб сўрса Муқим,  
Сангдил бемехра зорию тавалло қилма кўп.











### КЎНГЛИМ САНДАДУР

W

Эмди сандек, жово, жонон қайдадур,  
Кўриб гул юзингни боғда бандадур,  
Сақлай ишқинг токи жоним тандадур,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Меҳринг ўти ногаҳ тушди жонларга,  
Парвойим йўқ зарра хону монларга,  
Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Эртаю кеч фикру зикрим хаёлинг,  
Бир сўрмадинг, налар кечти аҳволинг?  
Эсларимга тушиб ширин мақолинг,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Воқиф эрмас киши сенинг аслингдин,  
Токим десам пари сенинг наслингдин,  
Водариғо, жудо бўлдим васлингдин,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Йўқ сан каби малоҳатлик ягона,  
Кўргаймукан мисолингни замона,

Булиб халқ ичида мундоғ афсона.  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Султонисан, барча хўблар надиминг,  
Ҳар ердаким, дуоғўйи қадиминг,  
Бовужуди сўрмай ўттинг Муқиминг,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

## ЮЗНИ ОЙДЕК

Юзни ойдек ногаҳ тобон айладинг,  
Чун ойна маҳву ҳайрон айладинг,  
Ошиқларга рўзий ҳижрон айладинг,  
Ағ'ёримга васлинг арзон айладинг.

Ва'да юз йўл, бирга вафо қилмадинг,  
Хуш бўлмади кўнглунг жафо қилмадинг,  
Дардим билиб туриб даво қилмадинг,  
Қилмас ишни ҳеч мусулмон айладинг.

Лола каби яшнаб чиқсанг мастона,  
Кўрган одам нечук бўлмас девона,  
Халқ ичида қилиб мундоғ афсона,  
Оворау пур бесомон айладинг.

Дилраболар хайлида, э тождор,  
Қани сендек энди сарви гул'узор,  
Шамшир айлаб қошларингни обдор,  
Қатлим учун мунча буррон айладинг.

Э чеҳраси қамарлин ҳам мунаввар,  
Лабинг ля'лу тишинг сафода газҳар.

Солиб бошга кетиб ғовғойи маҳшар,  
Пари янглиғ ўзни пинҳон айладинг...

Оҳу нолам етди етти самога,  
Боқмай ўттинг ҳаргиз мен мубталога,  
Фар'ёд етдим, Муқим, ўхшаб гадога.  
Бир демадинг: кимсан, афғон айладинг?



Э ЧЕҲРАСИ ТОБОНИМ

Э чеҳраси тобоним,  
Ошиқлари ҳайроним,  
Йуқ тоқати ҳижроним,  
Васл ила даво айланг.

Э зулфи паришоним,  
Аҳди ҳама ёлғоним,  
Синди, қани паймоним,  
Бир меҳру вафо айланг.

Э шўхи дилоромим,  
Етса санга пайғомим,  
Кулбамга келиб шомим,  
Пур нуру зиё айланг.

Э булбули шўрида,  
Токай дили афсурда,  
Бўлмай даме осуда,  
Гул вақти наво айланг.

Бу ҳусн ғаниматдур,  
Чун бод басур'атдур,  
Ҳангоми мурувватдур,  
Хўб лутфу сахо айланг

Охир мени бемора.  
Қил марҳами наззора,  
Ким айтдики, хуштора  
Юз жавру жафо айланг.

Гар қилса Муқимий хун  
Рухсоралари гулгун  
Инсофа келур бир кун,  
Ҳаққиға дуо айланг.

## ЁДИМГА ТУШТИ

Дилда васлинг эрди умрий таманно,  
Хаёлингни қилур вақти тамошо,  
Ногаҳ ойнага боқиб, нигоро,  
Маҳву ҳайронларинг ёдимга тушти.

Фасли баҳор ўлуб, гуллар очилиб,  
Ерга сабза бахмал каби ёпилиб,  
Машомимга сунбул бўйи хуш келиб,  
Зулфи райҳонларинг ёдимга тушти.

Қўлларингдин то нўш эттим паймона,  
Гоҳи худ мен, гоҳи бехуд девона,  
Ҳар қачонким куксим қилдим нишона,  
Тийри мужгонларинг ёдимга тушти.

Сайр айладим чиқиб дашту саҳролар,  
Бошларимга ортиб шўри савдолар,  
Бисмил учраб кўзга лола, ра'нолар,  
Тиғи бурронларинг ёдимга тушти.

Э, яхшилар хайлин нозик миёни,  
Гарчанд эрдим ёмонларнинг ёмони,  
Базмларда қилган элдин ниҳони,  
Лутфу эҳсонларинг ёдимга тушти.

Не хуш айём экан ўшал замонлар,  
Бўлур эрдим ҳар дам, жоно, қурбонлар,  
Охир мундоғ бўлуб зору сарсонлар,  
    Ҳарсў жавлонларинг ёдимга тушти.

Э истиғно фирдавсининг насими,  
Ёд этмадинг қадрдон деб қадимий,  
Уммид этдим ҳар ердаким, Муқимий,  
    Аҳду паймонларинг ёдимга тушти.

## АЙЛАДИНГ

Боғда магар, жоно, рафтор айладинг,  
Пари каби фе'лу атвор айладинг,  
Бурқа' очиб арзи рухсор айладинг,  
    Гунчаларни дийда хунбор айладинг.

Арзим эшит, э дилбари ягона,  
Десам ҳасратларим сиғмас баёна,  
Ҳажр ўқиға кўксим қилиб нишона,  
    Не журм этдим, жавр бис'ёр айладинг?

Девонамен сўрма кору боримни,  
Равшан этгил келиб шаби торимни,  
Рашк ўтиға ўртаб жисми зоримни,  
    Равомуди, майли ағ'ёр айладинг?

Айлаб тазаллумлар ошиққа пеша,  
Тангрини ҳам гоҳи қилғил андеша,  
Рақиб бирла қўл ушлашиб ҳамеша,  
    Тирикликни менга душвор айладинг.

Боқмай ой юзингга парвоналарга,  
Я'ни мендек кўнгли вайроналарга,  
Ёзиб кокулларни бегоналарга,  
    Думоғларин мушки тотор айладинг.

Ошиқларга лутфу карам оз айлаб,  
Хонақолар эшикларин боз айлаб,  
Зухд аҳлиға бир жилван ноз айлаб,  
Тоат-тақволарин бекор айладинг.

Дилраболар хайлин, э беназирин,  
Малоҳатлар авжин бадри мунири,  
Узиб мундоғ ошнолиғни ахири,  
Муқимийдин сахт инкор айладинг.











## АЙРИЛИБ

Чарх жавридин ажаб мағмумдурмен, айрилиб,  
За'фдин бир риштаи мавҳумдурмен, айрилиб,  
Истаманг мендин нишон, ма'думдурмен, айрилиб,  
Баски сендек ёрдин маҳрумдурмен, айрилиб,  
    Ҳожати изҳор эмас, ма'лумдурмен, айрилиб.

Ҳамдаму аҳбоблар машғули базму ижтимо',  
Гаҳ ўқуб аш'ори рангин, гаҳ қилиб рақсу само',  
Шўхликдин ҳарбири бир сан'ат айлар ихтиро',  
Э кўнгул, дилдору ёронлар блан айлаб видо',  
    Оҳким кам бахту толи' шумдурмен, айрилиб.

Не хуш ул кўнларки манзурим эдинг, э сиймбар,  
Бор эди зебо қадинг ҳар дам назарда жилвагар,  
Кору борим завқи суҳбат эрди ҳар шому саҳар,  
Ту'ма эрди хони қисматдин менга шаҳду шакар,  
    Аждари ғам комиға мат'умдурмен, айрилиб.

Муддати эрдикӣ таб'им айшдин саршор эди,  
Ҳасрату андух, ғам усру кўнгулға ор эди,  
Дийдан бахтим висолингдин зиҳи бедор эди,  
Булбули эрдим ҳамоно масканим гулзор эди,  
    Кўҳи ғам устида ёлғиз бумдурмен, айрилиб.

Мунису ғамхор йўқ, ҳамдам қилурға шарҳи роз,  
Кимга ёндошдимки қўюб меҳр, қилди эҳтироз,  
Сен била улкунки бўлмушмен жудо, э сарви э,  
Тортаман юз ранг кулфат ҳарбири тасқатгудоз,  
Оташи ҳасрат ичида мўмдурмен, айрилиб.

Реза-реза ун каби чарх оснёсидин сўнгак,  
Тангу торик ўлди олам кўзга монанди катак,  
Даҳр золи урди роҳатлиғ кўзим ичра намак,  
Дастидин тушди жудолиғ ўртага, золим фалак,  
Бекасу беҳамдаму мазлумдурмен, айрилиб.

Қолмади мен чекмаган ранжу алам озордин,  
Етмаган бир захм йўқдур бош кўтарган хордин,  
Булма, жоно, беҳабар мен сийнаси афгордин,  
Телбадур ажраб Муқиминг, сўрма қору боридин,  
Сафҳан ҳар ғуссага марқумдурмен, айрилиб.

## КИМ ДЕСУН?

Сояидурменки, боқмас офтобим ким десун?  
Бора-бора кетди қадрим, интихобим ким десун?  
Бир ўқутмайдур битиб берган китобим ким десун?  
Ул тағофул пешага ҳоли харобим ким десун?  
    Ҳажрида мундоғ мени курган азобим ким десун!

Ошносидин кечиб, бегоналарга ёр-ёр,  
Бу аламларга чидалмай, куз ёшимдур шашқатор,  
Ҳеч душман бўлмасун кўйида мендек хору зор  
Кундузи бир ерда бир дам олмай орому қарор,  
    Лаҳзаи йуқ кечалар кўзларда хобим ким десун?

Кўрмадимким, бўлмаса бошида мушкул ҳар киши,  
Қатри ранжи хор бу боғдин узар гул ҳар киши,  
Тешани чопқай ўзига, расмдур шул, ҳар киши,  
Ўз кўмочиға, масалким, тортадур кул ҳар киши,  
    Бас куйиб ишқида чеккан изтиробим ким десун?

Турфа бир маҳмурмен ла'ли лаби ёқутиға,  
Ўхшатур одам, гапурса хуштакаллум тўтиға,  
Зарра майлим йуқ бу дун'ёнинг ҳисобу чўтиға,  
Куймаган бўлса биров меҳру муҳаббат ўтиға,  
    Шам'дек то субҳ ўртаб таббу тобим ким десун?

Топмадим васлига йўл, айлаб хаёлу ўйлар,  
Пайкарим ғамдин заиф ўлди, чунончи, мўйлар,  
Ўзгаларга хулқи хуш, аммо менга бадхўйлар,  
Ҳамнишиндурлар улуғларга хушомадгўйлар,  
Йўлида жононими хайру савобим ким десун?

Қайда бўлғай телба, расвода яқою остин,  
Не билур мажнун деган субҳ ила шому чоштин,  
Найлайн, ўйлаб тирикликнинг камию костин,  
Гар қилич бошимга ҳам келса дегаймен ростин,  
Сўзки ҳақ бўлса: саволимга жавобим, ким десун?

Демаким, форағ дуосидин Муқимий, эрта-кеч,  
Мидҳату зикру саносидин Муқимий, эрта-кеч,  
Кўз тутар давлат асосидин Муқимий, эрта-кеч,  
Дўстлар сўрманг ғизосидин Муқимий, эрта-кеч,  
Қон шароб ичсам, жигарлардур кабобим, ким  
десун?

## КЕСАНГЧИ

Кўзларга жаҳон бўлди тангу тор, кесангчи!  
Қилмай бу бало мунча мени зор, кесангчи!  
Тонг отқуча дардинг била бедор, кесангчи!  
Йўлингда мен, эй хуммор, кесангчи!  
Жон бўлса фидо, бош мана тайёр, кесангчи!

Ағ'ёра карам кўп, менга кам бўлмоғи хўбму?  
Устиға яна жавру ситам бўлмоғи хўбму?  
Қатлимға қошинг тиғи дудам бўлмоғи хўбму?  
Сенсиз юрагим маскани ғам бўлмоғи хўбму?  
Йиғлаб қилайин дардими изҳор, кесангчи!

Рухсоридин, эй, кулбаи эҳзонга зиёлар,  
Бир менму эдим қилмаганинг жавру жафолар.  
Кетгунча, қилиб келма эди бағри адолар,  
Хатм ўлди, қани ўртадаги аҳду вафолар?  
Исо нафасо, сўрғали бемор, кесангчи!

Ҳар бобда, эй йўқтур ўшал ҳеч назири,  
Чокар ҳама хубони жаҳон, сен-сен амири,  
Ҳарбир қарашинг санчмиш эди кўксима тийри,  
Ялғуз мен эмасмен, ҳама зулфингинг асири,  
Тарсони бериб белига зиннор, кесангчи!

Хуноба ютуб, кўрмай эсим кетти, ўлай деб,  
Келмас сени ёдинггаки бир ҳеч сўрай деб,  
За'фим йиқилиш, айласам андиша турай деб,  
Наргис нигарон боғда жамолингни кўрай деб,  
Юздин кўтариб парда баякбор кесангчи!

Э кош кўриб тутмас эдим аввали номинг,  
Чиқмас назаримдин туну кун эмди хироминг,  
Жоно, менга ҳам келса нетар гоҳ паёминг?  
Ўлдим соғиниб тотли, назокатли каломинг,  
Тўтини қилиб сурати девор, кесангчи!

Назҳатда юзи ошиқин, эй хулди наими,  
Жон нақди нисорим, йўқ агарчи зару симий,  
Зулфингни хаёлида дуо! ўйи самимий,  
Та'виз учун а'замя исмингни Муқимий,  
Чеқти ғазала тоққали туммор, кесангчи!

## АЙРИЛМАСУН

Бу чаманда гунчаи афғоридин айрилмасун,  
Сози ҳар маҳфил, дуо қил, торидин айрилмасун,  
Бўлса тарсо ҳамки ул, зунноридин айрилмасун,  
Ҳечким мандек, илоҳи, ёридин айрилмасун,  
Меҳрибон, мунис ўшал дилдоридин айрилмасун.

Комжӯ ноаҳллар аҳлиға етмай биргина,  
Турфа ҳайронликда мен аслиға етмай биргина,  
Одами ёким пари наслиға етмай биргина,  
Хонумон барбод уруб васлиға етмай биргина,  
Маҳруму ма'юсу йўқу боридин айрилмасун.

Чарх остида букулди, бўлди қаддим чун ҳилол,  
За'фдин халқе қилурлар соя янглиғ поймол,  
Хасрати шам'и жамоли қилди фонуси хаёли<sup>1</sup>  
Ҳажр осибии хазонида ўтиб шўрида ҳол,  
Андалиби мен каби гулзоридин айрилмасун.

Истағони борҳо панд эрди, айғил зинҳор,  
Ютса заҳри мордин қанд эрди, айғил зинҳор,  
Жонларим бир умри пайванд эрди, айғил зинҳор,  
Қосидо, кўнглум қуши банд эрди, айғил зинҳор,  
Ишқилиб ким зулфи анбар боридин айрилмасун.

Кимга айтиб, кимга йиғлай мубталолиқ дардини,  
Олами қаҳқатчиликда бенаволиқ дардини,  
Оҳ, саргардон кезиб, бераҳнамолиқ дардини,  
Дустлар, кўрсатмасун ҳаргиз жудолиғ дардини,  
Душманинг ҳам бўлса, уз ғамхоридин айрилмасун.

Етмади додим, фалакнинг дастидин фар'ёду дод!  
Рўзгорим шоми равшан қилмади субҳи мурод,  
Ошно, ёру буродарларда йўқ меҳру вадод,  
Бандаи, ёраб, Муқимийдек бўлуб хору касод,  
Суду савдодин қолиб, бозоридин айрилмасун.



## МУНЧА ҲАМ

Бошлара ишқинг тушуб, савдо бўлурму мунча ҳам,  
Эл аро пинҳон сирим ифшо бўлурму мунча ҳам,  
Ғам юкидин оҳ қаддим ё бўлурму мунча ҳам,  
Э чаманда қоматинг ра'но бўлурму мунча ҳам,  
Оллоҳ, оллоҳ, кўз деган шаҳло бўлурму мунча ҳам.

Сайри гулшон қилдинг ул субҳеки мастона чиқиб;  
Сабзалар бош чекди та'зимингга то наргис туриб,  
Пардасиз кирган чоғинг савсан сафига от суриб,  
Гул ёқо чок этди хижлатдин, деди ногаҳ кўриб:  
— Тавбаким, ораз деган ҳумро бўлурму мунча ҳам.

Лаззатин ширин сўзинг инсон шакардин кўрмади,  
Ла'ли нобинг мавжини гулбарги тардин кўрмади,  
Ой юзинг нурия фалак шамсу қамардин кўрмади,  
Офати жон ҳеч киши сандек башардин кўрмади,  
Ҳусн мулкида киши танҳо бўлурму мунча ҳам.

Беҳаё гуллар боғингда турмасун, э боғбон,  
Очилиб беҳуда сунбул кулмасун, э боғбон.  
Қаддига шамшод мағрур ўлмасун, э боғбон,  
Лофи нозикликни сарвинг урмасун, э боғбон,  
Ботил ишқ аҳкомида да'во бўлурму мунча ҳам.

Бедаводир дарди, беморингни кўрмайсан ҳануз,  
Етди кўкка нола, ёдингга кетурмайсан ҳануз,  
Мушкил ишлар сенга осондур, битурмайсан ҳануз.  
Қонга бағрим лоладек тўлдию, сўрмайсан ҳануз,  
Э мақоминг авжи истиғно бўлурму мунча ҳам?

Муттасил базм айласанг ағ'ёр ила лайлу наҳор,  
Рашк ўтиға ўртаниб ҳам бўлмасунму дил фиғор,  
Нэйлайин юрмай гамингда дарбадар мажнун шиор,  
Ҳушими бошдин олиб ҳажрингда қилдинг беқарор,  
Нотавон кўнглимга ишқинг жо бўлурму мунча ҳам.

Тобзқай мундоғ тағофул, ҳоли зоримни билиб,  
Қил жамолингдин мунаввар кулбами кўзга илиб,  
Не бўлур ҳасрат эшитсанг то саҳар, оқшом келиб?  
Йўқму раҳминг келмадинг, кўзлар тешилди термулиб,  
Деган одам шўҳи бепарво бўлурму мунча ҳам?

Аҳду паймонлар ушатдинг қадрдоним, деб ахир,  
Мунисим ҳам ҳамдамим ҳам, розидоним, деб ахир,  
Улфатим ҳам ғамгудозим, меҳрибоним, деб ахир,  
Аввалида ва'да айлаб, дўсти жоним, деб ахир,  
Сендан, э, душман иши барпо бўлурму мунча ҳам.

Даҳрда саргаштаи осий Муқимий умрлар,  
Я'ни расволарни расвоси Муқимий умрлар,  
Э парирўларни а'лоси, Муқимий умрлар,  
Бўлмаса васлинг тамянноси, Муқимий умрлар,  
Кўчаларда зору ҳам шайдо бўлурму мунча ҳам.

## О Ф А Р И Н

Минган саманди тез хиромишга офарин,  
Майли қилурға қатл, маромингга офарин,  
Тинмас ҳануз навбати жомингга офарин,  
Эй сарвиноз, лутфи қаломингга офарин,  
Пинҳон рамуз бирла саломингга офарин.

Нозик чаманда сен каби ра'но очилмагай,  
Ғамзанг ўқи-ла йўқки кун, ошиқ отилмагай,  
Ҳусн иқлимида ҳеч мисолинг топилмагай,  
Ҳарбир сўзингда мумкин эмас, дур сочилмагай.  
Қилган сўраб қулингни, паёмингга офарин.

Бўлдим йўлингда охири помол, сўрмадинг,  
Номинг тутарга бўлди тилим лол, сўрмадинг,  
Тоғ эрди сабр, қолмади мисқол, сўрмадинг,  
Дард остида букулди белим, ҳол сўрмадинг,  
Авжи тағофул узра мақомингга офарин...

Сенсиз жафоларики етар менга дамбадам,  
Ранж узра ранж кўрдим, алам устига алам,  
Дафтар қилурға ёзғали ожиз эрур қалам,  
Эй шохи ҳусн, кўруб агарчанд минг ситам,  
Кетмас яна Муқимий ғуломингга офарин.

## НИГОРИМ...

*(Навоий ғазалига мухаммас)*

Нигориким гапурмас дурри тамкинним ушалгай деб,  
Боқолмасман юзига боҳаёликдин уялгай деб,  
Нишон кўксум ҳамиша тийри мужғони қадалгай деб,  
Кезарман кўйида йиллар назар ҳолимга солгай деб,  
Агар улдурса қоним ранги тупроғида қолгай деб.

Жудолиғ кунжида ҳар дам тушиб бир турфа аҳвола,  
Эмас анжумлар, оҳим шу'ласидин кўкда ҳаввола,  
Баҳор айёми қат-қат доғ мандан қарз олур лола,  
Кўнгулга юз туман ниш урса ҳижрон айламам нола,  
Висоли нўшидин ул захмлар шояд тuzалгай деб.

Кўзим ёши на танҳо сўйи тупроғига оғушта,  
Ўшал чин нофаси ҳам бўйи тупроғига оғушта,  
Қачонким хуш думоғим мўйи тупроғига оғушта,  
Сиришким қони бўлди кўйи тупроғига оғушта,  
Итига токи бу балчиқ блан бир уй ясалгай деб.

Фигонким, ўтқариб ғафлатда умрум ўйнадим, кулдим,  
Букулди оқибат қомат, надомат ҳалқасин қурдим,  
Букун оҳ эмди бир вайронада қайғулуғ ўлтирдим,  
Кўнгилни ишқида ғамлар блан меҳнатга топшурдим,  
Кўриб раҳми келибон, нотавон кўнглимни олгай деб.

Ғанимат бахту фурсат, эй муғанний, чол дигар гун,  
Херак ушшоқа гул'ёр айласанг ўтлуғ чекибон ун,  
Муқямий ҳам бу маҳфилда ниҳоят хаста дил маҳзун,  
Навобий бенаволиғ бирла донм май ичар ҳар тун,  
Наво созини даврон мутриби базмида чолғай деб.

## К Е Р А К

*(Навоий ғазалига мухаммас)*

Қосидо, ул ойга ногаҳ етса пайгомим керак,  
Субҳи васлидин ёритса бу қаро шомим керак,  
Шод қилса ғамли кунглумни тутиб жомим керак,  
Гулшан ичра йўқтур оғомим, дилоромим керак,  
Сарву гулни найлайин, сарви гуландомим керак.

Чуғздек вайроналарда бўлмадим обод мен,  
Рўзгоримдур паришон, кимга айлай дод мен,  
Шукри лиллаҳ ўзгаларнинг қайдидин озод мен,  
Гар парилар қуш каби рам қилсалар ҳам шод мен,  
Ғам йўқ ул шўхи пари пайкар менинг ромим керак.

Соқнё, даврингда махмурам карам қил бир аёқ,  
Ёрсиз сайри чамандин менга зиндон яхшироқ,  
Олами азод, эмас бир-бирга халқи иттифоқ,  
Ка'бада нокомлиғдин аҳлида йўқ жуз нифоқ<sup>1</sup>,  
Дайр ичида кофири бебоку худкомим керак.

То нишон қилди кўнгилларни ўшал абру камон,  
Қатра-қатра кўзларимдин келди ёш ўрнига қон,  
Не ҳавойи боғ бошда, не димоғи бўстон,  
Гул билла савсан керакмасдур менга, в боғбон,  
Зулфи сунбул атрлик, рухсори гулфомим керак.

Умрлар кездим қўзиб савдоларим дашту қазаф,  
Тийри хунрези фироқиға қилиб кўксим ҳадаф,  
Пойбўсиға даме шоядки топсам деб шараф,  
Э харобот аҳли, расво кўнглим этмиш бу тараф —  
Келмишам топиб сўроғ, ул ринди бадномим керак,

Иштиёз этгай чунонким талху ширин зоиқа,  
Лол экан ҳайратда таҳқиқиға ақли нотиқа,  
Субҳагардонлиқ, Муқимий, илкими айлаб чақа,  
Э Навоий, хонақаҳда топмадим жуз тафриқа,  
Хум каби майхонанинг кунжида оромим керак.

## НОМА ЁЗМАДИНГ

*(Навоий ғазалига мухаммас)*

То ўтмадинг, тағофул ила ноз қилмадинг,  
Қўйдингму халқ ичра сарандоз қилмадинг,  
Мактуб учун давоту қалам соз қилмадинг,  
Қороз уза қаламни фусунсоз қилмадинг,  
Бир руқ'а бирла бизни сарафроз қилмадинг.

Мендек қулунгни отига бир нома ёзмадинг,  
Мискин кўнгул закотига бир нома ёзмадинг,  
Матлабларим баротига бир нома ёзмадинг,  
Жонсиз таним ҳаётига бир нома ёзмадинг,  
Килкинг учини му'жиза пардоз қилмадинг.

Ҳад йўқ демакда шахди мазоқинг баёнида,  
Ё жоду кўзу қошу қабоқинг баёнида,  
Тил лол дерга бошдин аёқинг баёнида,  
Васлинг кунда шони фироқинг баёнида,  
Кофур била мушкни ҳамроз қилмадинг<sup>1</sup>.

Бу офтоб толини баргашта заррани,  
Дарду бало ўқиға сипаргашта заррани,  
Ҳижлат арақлари била таргашта заррани,  
Бир меҳр номаси<sup>2</sup> ила саргашта заррани—  
Кундек жаҳонда мужиби в'зоз қилмадинг,



Сенсиз бошимга тушди ниҳоятда можаро,  
Мажруҳ сийналарга яро устига яро,  
Қолдим, ҳужум айлади андуҳу ғам аро  
То рўзгорим айламадинг дуддек қора —  
Бир номанинг саводини оғоз қилмадинг<sup>3</sup>.

Ул сарвноз бўлса ситамкор ҳар неча,  
Тобора сен Муқим талабгор ҳар неча,  
Сабр айла жавр айласа дилдор ҳар неча.  
Раҳмат Навоӣ сенгаким, ёр ҳар неча —  
Зулмин кўп этти, меҳру вафо оз қилмадинг.

## ОРЗУ

(Фузулий газалиги мухаммас)

Оҳуғи чин чашми пур хумморинг айлар орзу,  
Нофаси ҳам тўрраи тарроринг айлар орзу,  
Ҳуру гулмон фе'л ила атворинг айлар орзу,  
Булбули дил гулшани рухсоринг айлар орзу,  
Тўтийи жон ла'ли шаккарборинг айлар орзу.

Дилбаро, ўйлаб хаёлингга хуш ўлмас хотирим,  
Ёки мастона хиромингла хуш ўлмас хотирим,  
Гоҳ-гоҳе ним нигоҳингла хуш ўлмас хотирим,  
Номаи қосид, паёмингла хуш ўлмас хотирим,  
Ўз лабингдин лаҳжаи гуфторинг айлар орзу.

Ишқ даштида чу Мажнун бесару сомон ўлан,  
Лолатак қат-қат кўнгулда ғам сиришки қон ўлан,  
Рўзу шаб васлинг сўроғлаб дийдаси гир'ён ўлан,  
Сарву гул наззорасин найлар санго қайрон ўлан,  
Оразингла қадди хуш рафторинг айлар орзу.

Ханжари нозингла аввал сийнаси афгор ўла,  
Тарки хоби роҳат айлаб кечалар бедор ўла,  
Рўзгори тийра, субҳи шомдан ҳам тор ўла,  
Орзу айларки бантак муттасил бемор ўла,  
Кимки чашми наргиси беморинг айлар орзу.

Оҳ йўқим ошное, зоҳир этсам дардими,  
Кўк дутунидин қаро ҳар лаҳза оҳи сардими,  
Қаҳрабо сонма иложини бу ранги зардими,  
Зулмати ҳажрингда бохмаз шам'а чашмим мардуми,  
Партави рухсори пур анворинг айлар орзу.

Лабларингдин умрлар ла'ли бадахшондур хижил,  
Қоматингдин сарв ила шамшод доим мунфаил,  
Мунтазир йўлингда ҳайронмен Муқимий ою йил,  
Орзуманди висолингдур Фузулий хаста дил, ~  
Васлинг истаб давлати дийдоринг айлар орзу.

## ҲАФАЛАК ҚИШЛОҒИ ТЎҒРИСИДА

*(Махмур ғазалига мухаммас)*

Кўрди сандек шаҳи одилни на инсу на малак,  
Арра зулмидин эмин ҳама боғу чакалак,  
Янги ой кўзига хасмингни отурға камалак<sup>2</sup>,  
Э жаҳондори зафар кавкабан даври фалак,  
Эшитинг қиссан қишлоғи хароби Ҳафалак.

Ғаждуму аф'ию бий-ўтласа чаррандалари,  
Бир гала мўру малах, бўрию даррандалари,  
Ўлдурур чақса мабодо кана, газзандалари,  
Турфа қишлоқ, жин урган ани паррандалари  
Товуғи — игначию, ўрдағу ғози — кўпалак.

Чуғзи вайрона тешик, уйлари сўрохи камар<sup>3</sup>,  
Ғижи-биж тулкию кирпиктикону эчкиэмар,  
Ўтга қўшнига чиқиб, бир кечаси йўлда тунар,  
Телага чиқса киши, ундаю мунда кўринар:  
Бир қапа, икки қапа, уч олочиқ, тўрт каталак.

Чопишур янтоғ ўтун марду зан иссиқда куюб,  
Ер зағора нонини, топса отин қанд қўюб,  
Жази йўқ шўрва каду ейдуган ошида суюб,  
Ажириқ иллизини майда келиларда туюб,  
Қайнатиб, кунда ичиб, отини дерлар сумалак.

Отлари лоғару қоқию харобию хариш,  
Раҳм қилмай минадур, икки қадам жавр миниш,  
Очилур оғзи десангизда вузу ғусл қилиш  
Чул, йўқ қатраи сув, катта-кичик, ёзу қиш,  
Кўлини қумга ювиб (ортига) суртар гувалак.

Кўрпача тагда қомиш, бошларида болиш увот,  
Нару мода аралаш, билмас алар айбу уёт,  
Соқову гунг сўфи, йўқтур имомида савод,  
Масжиди ер тўла, бир эски қоронғу зулумот,  
Кўр қилур кўзга уруб кирса киши кўршапалак.

Кўчти халқи ёпиниб кўҳна, увода тўнини,  
Чархдин ўтқаришиб оҳу фиғону унини,  
Солмасун душмана ҳам бошига келган кунини,  
Кеча ногаҳ эшитиб шуҳрати тилло пулини,  
Ҳафалак қўрқишидин учти мисоли кўпалак.

Бўлса ул хисрави жам жоҳ карамдин не ажаб,  
Фуқаро ҳолидин огоҳ, карамдин не ажаб.  
Ҳам Муқимин сўраса, гоҳ карамдин не ажаб,  
Кечса Махмури учун шоҳ карамдин не ажаб,  
Ҳафалак юртига тушган пул агарчи лак-лак.

## КЎЗЛАРИНГ

*(Фурқат ғазалига мухаммас)*

Ғар эмас, э нозипарвар, кофиристон кўзларинг,  
Нега икки мардуминг бадмасту мастон кўзларинг?  
Айлагай хунрезлиққа ҳарсў жавлон кўзларинг,  
Тўккали жаллод эрур ишқ аҳлидин қон кўзларинг,  
Лабларинг жонбахшу аммо офатижон кўзларинг.

Кишвари ҳусни малоҳат тахтида, э подшоҳ,  
Сарв қадлар ичра ўтмас сен каби мавзун паноҳ,  
Найлайин ошuftалиғдин чекмайин ҳар лаҳза оҳ,  
Саҳл агар бўлса паришон, дилларим қилсанг нигоҳ,  
Қилди оҳуни Хутан даштида сарсон кўзларинг.

Бир назар уммидида йўлингда рўзў шаб ётиб,  
Хорлиғлар хори ҳар узвимға хородек ботиб,  
Озмиди ўлгонлиғим заҳри ғами ҳижрон тотиб,  
Ноғиҳон ошиқларингга тийри мижгонлар отиб,  
Рахна дил мулкиға солди номусулмон кўзларинг.

Мақсадингни ғунчасидин дер эдингким, гул қилай.  
Соғари айшинг майи васлим блан пўрмул қилай,  
Тобакай мундоғ тағофул айлай, эмди қул қилай,  
Бир ишорат бирла дер эрдинг боқиб бисмил қилай,  
Булмасин ул аҳлидин, ёраб, пушаймон кўзларинг.

Келганингда, дилрабо, ногоҳ оқшом кетмағил,  
Куйдуриб куйган юрак-бағримни бир'ён этмағил,  
Сурмасанг арзимни, додиға рақиб ҳам етмағил,  
Э нигоро, сурмани қўй, қўйма, қўйсанг чиқмағил,  
Қилмағай ошуби даҳр устига тўфон кўзларинг!

Неча муддат, кеча-кундуз кўрганинг ағ'ёр эди,  
Бу сабабдин ҳар тукум жисмимда гўё мор эди.  
Шом вақтидек Муқимий рўзгорим тор эди,  
Шукр, Фурқат фурқатингда хастаю бемор эди,  
Бир боқишда айлади дардиға дармон кўзларинг.







# ИЗОҶ ВА ЛУҒАТ



### „ТАНОБЧИЛАР“ ШЕ’РИГА

- <sup>1</sup> Чор Россияси вақтида ҳар йил экин пишган кезларда уезд у-  
правлениянинг чиновниклари — танобчилар қишлоққа чиқиб, деҳ-  
қонларнинг ерларини ўлчар, ҳосилга солинадиган ўлпон (налог)  
шу ҳисобдан олинар эди. Ҳамавақт бу танобчилар Муқимий айт-  
гандай, „икки танобни қилиб ўн таноб“ камбағал деҳқонни хо-  
навайрон қилар эдилар. Бу ше’рда ана шу фожиали аҳвол тас-  
вирланади.
- <sup>2</sup> Султон Али хўжа блан Ҳакимжон Қўқон уезд упрвлениясининг  
чиновниклари бўлиб, ер ўлчаш иши шулар қўлида эди;
- <sup>3</sup> *Махтуми а’зам, Шохлиқ мазор, Эрҳубби, Нурато, Биби Убай-  
да, Хизр* — руҳонийлар томонидан халққа талқин этилган „эвлиё-  
лар“, мазорлар номи.
- <sup>4</sup> „Танобни сиқиброқ, я’ни бўйидан ўғирлаб ўлчаки, буларнинг  
жавоси шу“ демоқчи.
- <sup>5</sup> Ҳакимжон танобчи ўзининг Жалолхон деган ўғлини Муқимийга  
ҳисоб (руқум) ўргатинг, деб шогирдликка топширган, Муқимий  
шу боланинг бемазадигидан койийди ва бу иш ўзи учун ортиқча  
бир дардисар бўлганини билдиради.

### „ЗАВОДЧИ БОЙ ТА’РИФИДА“ ШЕ’РИГА

- <sup>1</sup> *Маскавчидин бойлар* — Москвага қатнаб савдогарчилик қиладиган
- <sup>2</sup> бойлар.  
*Ҳодихўжа эшэн* — қўқонли бир бой. Унинг катта пахтакорлик  
ерлари, пахта тозалайдиган заводлари, магазинлари, Ферғона-  
нинг айрим районларида бўлимлари бўлган. „Вексея“ ше’рида  
ҳам бу киши тўғрисида сўз бор.
- <sup>3</sup> *Печать байламак* — илгари бирор киши қарадор бўлиб, шу қарз-  
ни тўлай олмаса — „синса“ унинг бутун мол-мулкни пулдорлар  
томонидан ушланар — „печать“ қилинар эди.

- <sup>4</sup> *Сўмига ўн тийин бериш* — қарздор киши пулдорга (судхўрга) пул ижараси тўлайди.
- <sup>5</sup> *Подшоҳўжа* — ҳалиги бойнинг укаси, Ёрдамчиси. Уни Москвага мол олиш учун юборган эди.
- <sup>6</sup> *Маччойилар* — илгари пахта саройлари, заводлардаги энг оғир меҳнатни кўпинча, Қоратегин, Пархор, Памир, Мастчоҳдан келган тожик йигитлари бажарар эдилар. Бу йигитларни бойлар „маччойи“ деб атар эдилар.
- <sup>7</sup> Қочган ишчи йигитлар ўз юртларига қайтганда, ундаги бошқа йигитларга тайинлайдилар: „Агар ўша томонларга борақолсангиз унинг саройига асло бориб ишга тушмангиз, чунки, эй толини пастлар, сиз у ерда ўласиз“.
- <sup>8</sup> Бу ерда сўзлаётган киши — Ҳодихўжа эшоннинг заводида машиналарни юргизадиган рус ишчиси. У ҳам бойнинг қўлида қаттиқ қийналган, зулм кўрган.
- <sup>9</sup> Бой бировга ёлғон да’во қилиб пул қистаган.
- <sup>10</sup> Хайруллахон — Қўқонли машҳур а’лам (қозихона адвокати).
- <sup>11</sup> Агар биров-бирова да’во қилса, шарият да’во қилчиги ёки жавобгарга қасам берар эди. Бу қасам масаласи шариятнинг энг ярамас қонунларидан бири бўлиб, бойлар, катта ер эгалари, муттаҳамлар қасамни қурол қилиб, талай камбағал қосиб, деҳқонларни хонавайрон қилар эдилар.

## „ТЎЙ“ ШЕ’РИГА

- <sup>1</sup> *Иқон* — Туркистон шаҳри яқинида бир катта қишлоқ.
- <sup>2</sup> *Тил* — телеграмма демоқчи.
- <sup>3</sup> *Сим қоқмоқ* — телеграмм бермоқ.
- <sup>4</sup> *Учида оғ* — оёқ учида.
- <sup>5</sup> *Хайра мақдам* — қадамлари хайрли бўлсин, хуш келибсин.
- <sup>6</sup> *Тўғрисидан унум* — унум тўғрисидан.
- <sup>7</sup> „Камбағал, гадоиларнинг келиш йўлини чип бўрди“.
- <sup>8</sup> „Сизга дуо ва салом юбориш билан бу хатим тамом бўлди“.

## „ВЕКСЕЛЬ“ ШЕ’РИГА

- <sup>1</sup> *Вексель* — судхўрлар, банкирлар пул қарз берганларида қарздордан оладиган ҳужжат; ўша пайтларда бу нарса қосиб, камбағал-деҳқонларнинг бошига битган бало бўлган эди. Бу ше’ри Муқимий Завқий билан бирликда ёзган.

## „УРУҒ• ШЕ’РИГА

- <sup>1</sup> *Уруғ* — палхта чигити. Пахтанинг янги нав’лари эндигина расм бўлган пайтларда, унинг чигитига талаб кўп бўлган. Катта фойда талаб бойлар уруғлик чигит келтиришда бир-бирлари билан рақобат қилишадилар. Кўплаб келтирилган уруғ ўтмай қолади, кризис бошланади. Муқимий бу ше’рида ана шу ҳодисани тасвирлаб ҳажв қилади.
- <sup>2</sup> Муфтилар (қозихона адвокатлари) диний йўл-йўриқ битиб берсалар.
- <sup>3</sup> „Бойбаччалар ўз давлатларининг хирмонини зарарнинг шамолига совуриб, қаландардай қуруқ бўлиб қоладилар“.

## „БАЧЧАҒАР• ШЕ’РИГА

- <sup>1</sup> Бу ше’р дукчи эшон тўғрисида ёзилган.
- <sup>2</sup> „Озғин бўш ҳазинга, тили сўзлайдиган илонга ўхшайди“.
- <sup>3</sup> „Эшонлар даврасида тўё бундан ҳурматли киши йўқ“.
- <sup>4</sup> „Ундан бирорта гадоё бирор пучак пул сўраса, худди анқога ўхшаш номи бор, ўзи йўққа айланиб кетади“.
- <sup>5</sup> „Ҳарбир ерга у фақат қорнини тўйдириш учун боради, уянг шундан бошқа на букун ва на эрта тўғрисида парвойи йўқ“ демоқчи.

## „КЎСАМАН• ШЕ’РИГА

- <sup>1</sup> *Шайдон, Ола Маҳрам* — Фарғона водисидagi қишлоқларнинг номи.

## „ТАР МЕВАЛАР• ШЕ’РИГА

- <sup>1</sup> Бу ше’рда Муқимий, чор Россиясининг бўрк ол деса, бош оладиган амалдорларнинг фош этади. Ўша йил қаердан бўлиб, „ҳў мева ейилмасин, ланг бор“ деб, буйруқ бўлган. Юрт мингбошиларидан бошлаб оддий полициягача, бу фармойишни ўринлатиш учун истаган нома’кухчиликни қилган эдилар.
- <sup>2</sup> „Озғин баданга роҳат уйқуси келтирадиган“.
- <sup>3</sup> *Жондор* — жандарм.

## „ГАП ТЎҒРИСИДА ГАП• ШЕ’РИГА

- <sup>1</sup> *Шом, Ҳалаб* — Арабистондаги шаҳарлар исми. Бу ердаги ма’но: „Ҳарким кўрпасига қараб оёқ узатмаса, кўзи жовдираб Шому Ҳалабга қочишининг пайилан бўлиб қолади“.

- <sup>1</sup> *Ҳозирдалик* — Қўқонда бир маҳалланинг исми.
- <sup>2</sup> „Санаб ўлтиришининг кераги йўқ“.

### „АРАВАНГ• ШЕ’РИГА“

- <sup>1</sup> Муқимий сўз ўйини қилаётир, ҳам сўлоғи чиққан араванинг овозини бермоқчи, ҳам „мунда юруш дўзахдан ҳам ёмон“ демоқчи, Сақар — дўзах.
- <sup>2</sup> „Араванга қараганда пиёда юриш роҳат албатта“.

### „ШИКОЯТИ БЕЗГАК• ШЕ’РИГА“

- <sup>1</sup> „Йигитликда, қариш мажбурий-ку, деб қарилкни ҳавас қилсанг безгак шу орзунгни қондиради, қўлинига ҳасса тутқизиб қўяди“.
  - <sup>2</sup> „Безгак ўйлаб кўрм айдики, ахир жазо кунлари ҳам келади“.
  - <sup>3</sup> „Менинг вужудим бошдан-оёғигача қайғулардан, гамлардан бўш эмас эди. Бунинг устига тангри менга бу безгак дардини қаердан юборди“.
  - <sup>4</sup> „Қувватимни бутун талаб кетди, яна бугун галва блан етиб келди, билмай қолдимки, безгакнинг бизда яна нима ҳақи бор экан“
- . . . . .
- <sup>1</sup> „Тожи телеграфчининг оти тўғрисида Муқимийнинг ҳазил тариқасида айтгани“.

### „САЁҲАТНОМА•ГА“

- <sup>1</sup> Ма’лумдирки, Муқимий ўз умрида катта саёҳатлар қилмаган. Кўпроқ умри Қўқонда ўтгани учун ўзига Муқимий (турғун) деган тахаллусни танлагандир. Унинг юрган йўллари — Андижондан Бухорогача, Қўқондан Тошкент — Иқонгача, қолганлари эса Фарғона водисининг қишлоқларидан нарига ўтмаган.
- <sup>2</sup> Бу „Саёҳатнома“ ше’рида биз томондан қўш тирноқ орасига олинган сўзлар Ўзбекистон ва Тожикистоннинг Фарғона водисидagi қишлоқ, район ва шаҳарларнинг номлари, булардан кўнлари ҳозир янги ном блан аталадилар.

### „МАКТУБЛАР•ГА“

- <sup>1</sup> Қисқартиб олинди.
- <sup>2</sup> Муқимийнинг Тошкентли ўртоқлари, ўша замонда кийилиши янгигина расм бўлган галош юбормоқчи эдилар, улар галош ўрнига кавш-маҳси юбордилар, гап шу ҳақда, Муқимий бу хатида яна галошни ёсларига солиб, „ҳамма кийганда мен ҳам кийсам“ деб орзу қилади.

<sup>2</sup> Қисқартиб олинди.

<sup>4</sup> Мудаммас тарандаги бу хатни Муқимий Москвада турган ўз жиянига ёзган.

### „НАВБАҲОР“ ҒАЗАЛИГА

<sup>1</sup> „Дўстлар, уяфатлар блан бу ерда тириклик қилнш қандай яхши“

### „БИР МЕНМУ“ ҒАЗАЛИГА

<sup>1</sup> „Кўзингга чўл кийиклари асир бўлдилар“.

### „ОЛ ХАБАР“ ҒАЗАЛИГА

<sup>1</sup> Фарзинча — Муқимий даврининг созандаларидан бири.

### „БИР КЕЛИБ КЕТСУҢ“ ҒАЗАЛИГА

<sup>1</sup> „Ораминз бир тош келмайди, тезлик блан келиб кетсин“.

### „ҚАЧОНГАЧА“ ҒАЗАЛИГА

<sup>1</sup> „Сендан айрилиб ёруғ куним қоронғи бўлди, еганим қайғунинг оғуси бўлди“.

### „КАМ“ ҒАЗАЛИГА

<sup>1</sup> „Қилиғи фитва, қўрс, библиб-билмасликка соладиган гўзаллар нўп“

<sup>2</sup> *Беҳзод* — XV асрнинг машҳур рассоми.

### „СИЗ“ ҒАЗАЛИГА

<sup>1</sup> *Қомун* — бу ерда Абу Али ибн Синонинг медицина тўғрисидаги машҳур „Алқонун“ китоби кўзда тутилади.

<sup>2</sup> „Ўзалим оёғини хина блан қизартирибдир“.

### „ЎХШАЙДУР“ ҒАЗАЛИГА

„Муқимий Намангани сайр қилишдан қутулганга ўхшайди“.

### „КЕЛДИМ“ ҒАЗАЛИГА

<sup>1</sup> Бу ерда шоир ўз тахаллусини келтираётгани йўқ; муқим — бир ерда туриб қолган дегани. „Мен қайғунинг бурчагида тургун бў-<sup>1</sup> либ қолган эдим“ демоқчи.

## „УЛ МАҲЛИҚО КЕЛСУН“ ҒАЗАЛИГА

- 1 „Унинг ўлтурадиган ери кўз қорачўғи бўлди, уялмай келаверсин“.

## „АЙРИЛМАСУН“ МУҲАММАСИГА

- 1 *Фокуси ҳада* — илгари бозоршаб(сайил)ларда бир фокус кўрсатар эдилар. У айланиб турар ва фокуснинг ёнига ёпиштирилган рангоранг қоғозларда турли-туман ҳайвонлар ва бошқа нарсаларнинг шакллари — силуэтлари кўринар эди.

## „КЕРАК“ МУҲАММАСИГА

- 1 „Ка’ба аҳлида мақсадсизликдан, мунофиқликдан, жанжалдан бошқа нарса йўқ“.

## „НОМА ЁЗМАДИНГ“ МУҲАММАСИГА

- 1 Хушбўй қоғоз блан хушбўй сиёҳни бир-бирига сирдош қилмадинг — хат ёзмадинг, ма’носида.
- 2 *Меҳр номаси* — бу ерда Навоий сўз ўйини қилаётир. Меҳрнинг шафқатдан ташқари қуёш ма’носи ҳам бор.
- 3 „Бир хатнинг қораламасини бошламадинг“.

## „ҲАФАЛАК ҚИШЛОҒИ ТЎҒРИСИДА“ МУҲАММАСИГА

- 1 Бу мухаммасдаги асли ғазал XIX аср биринчи ярмида ўтган шоирлардан Махмурники бўлиб, Ҳафалак (Кўқон атрофида) қишлоғига Кўқон хони Умархон томонидан солинган налогнинг беҳад оғирлиги ва халққа қилинган жабр-зулмларнинг даҳшатли фожиалари тасвирланади. Муқимий бу ше’рга мухаммас боғлаган. Ҳақиқатан, Муқимий яшаган даврда ҳам бу қишлоқнинг бошидан кечирган оғир аҳволи Умархон замонасидагидан қолишмас эди.
- 2 „Янги чиққан ой душман кўзига отиш учун камалак бўлсин“.
- 3 „Уйлари бойқуш вайронасига ўхшаган илма-тешик“.



г

А

Абас — бекордан-бекор, беҳуда.  
 Абри баҳор — кўклам булут.  
 Абру — қош.  
 Аждод — ота-боболар.  
 Азрўй лутф — яхшилик юзасидан.  
 Азгаҳидил — астойдил.  
 Айём — кунлар.  
 А'лам — биллагон; вски вақтларда шарият билимдони.  
 Аллома — энг билимдон, зўр олим.  
 А'мо — кўр.  
 Анбар — хушбўй нарса, атир.  
 Андалиб — булбул.  
 Андуд — қайғу, гам.  
 Анжом — сўнг, охир; тугаш.  
 Анжум — юлдузлар.  
 Анқо — афсонавий бир қуш (оти бор, ўзи йўқ қуш).  
 Арақ — тер.  
 Арзи рухсор — юз кўрсатиш, юз очиш.  
 Афгор — ярали, жароҳатли.  
 Аф'и — катта заҳарли илон.  
 Афломки кажрафтор — тескарма айлангучи осмон.  
 Афсурда — сўлган, бужмайган.

Афтода — йиқилган, дармонсиз, занф.  
 Ахгар — чўғ.  
 Ахтар — ёруғ юлдуз.  
 Аши — кўз ёши.  
 Аш'ор — ше'рлар.  
 Аг'ёр — бегоналар, ётлар, рақиблар.  
 Аҳбоб — дўстлар, ошнолар.  
 Аҳком — ҳуқуқлар, қонунлар.  
 Аҳли дониш — билим эгалари.  
 Аҳли фунун — ҳунар аҳллари, билимдонлар.

Б

Бадри мунир — тўлини ой.  
 Баёт, Ушшоқ, Гул'ёр — куйлар номи.  
 Бантак — мендек.  
 Баргашта — қайтган, юз ўгирган.  
 Барги тар — тоза, кўмкўк япроқ.  
 Барот — хат, қийматли ҳужжат, пул чеки.  
 Барф — қор.  
 Баякбор — бир йўла, биратўла.  
 Бедод — зулим.  
 Бедор — уйғоқ.  
 Бенбо — тортинмай, ҳадиксирмай, кўрқмай.

**Бекас** — кишисиз.  
**Бенаво** — уи-жойсиз, кийим-ке-  
 чаксиз, камбагал.  
**Беназир** — ўлшаши йўқ, тенги  
 йўқ.  
**Бесару сомон** — ҳеч нарчасиз,  
 камбагал; ношуд.  
**Беша** — ўрмон, тўқай.  
**Беҳамдам** — ўртоқсиз, ошнаси,  
 уфатсиз.  
**Бий** — қора қурт.  
**Бис'ёр** — кўп.  
**Бис мил** — чала сўйилган, сўйил-  
 ган.  
**Бовар қилмоқ** — ишонмоқ.  
**Боз айламоқ** — очмоқ (ашиқни  
 очмоқ), ёймоқ.  
**Борҳо** — неча бор, неча марта.  
**Ботил ишқ** — ёлгон севги.  
**Ботин а'мо** — зехисиз, уқувсиз.  
**Бул'ажаб** — таажжуб, ажаб қо-  
 ларлик.  
**Булбули шўрида** — қайғули  
 булбул, фар'ёд — фиғонли бул-  
 бул.  
**Булҳавас** — кўнгли нимани ҳа-  
 вас қилса, шунини қилмоқни ор-  
 зу қиладиган, саботсиз, саёқ.  
**Бум** — бойқуш.  
**Бун'ёд** — яралиш, асос, туб.  
**Бурқа'** — юз пардаси, юзга ту-  
 тадиган парда.  
**Бурҳон** — далил, ҳужжат.  
**Бухлу-кина** — бахиллик ва гина  
 қилиш.  
**Бўй** — ҳнд.  
**Бўлус** — волосное управление  
 нинг бошлиғи.

## В

**Вадод** — муҳаббат, дўстлик.  
**Ваҳши рам** — ваҳший ҳайвон-  
 лардай қўчиб қочуви.

**Вирд** — тақрор, тилдан қўймас-  
 лик.  
**Вожгун** — тесқари, остин-устун,  
 тўнтарилган.  
**Вожун** — вожгуннинг қисқарти-  
 рилгани.  
**Вонз** — ва'з қилуви; маддоҳ.  
**Воқиф** — хабардор, огоҳ.  
**Вузу** — диний йўл била махсус  
 ювиниш.

## Г

**Гавда хар** — эшак гавдали.  
**Гаждум** — чаён.  
**Газанда** — озор беруви, чзқуви,  
 ханғли жониворлар.  
**Гардун** — осмон; гардуни дун—  
 паскаш осмон.  
**Гир'ён** — йиғлоқ.  
**Гисў** — соч, елкага тўзғиб туш-  
 ган соч.  
**Гирибон** — ёқа.  
**Гудоз** — эриш, куйиш, азоб.  
**Гузар** — ўтиш, юриш.  
**Гулгун** — гул рангли, қизил.  
**Гул жабия** — пешонаси гулга  
 ўлшаш.  
**Гул узор** — гул юзли.  
**Гуфтор** — сўз, нутқ.  
**Гуфтуғў** — сўзлашиш.  
**Гўё** — сўзловчи, сўзга чечан.  
**Гўша** — бурчак, пана жой.

## Д

**Даври мужгон** — киприк чап-  
 бари, киприк айланаси.  
**Дандон** — тиш.  
**Дарди гулу** — томоқ оғриғи.  
**Дарранда** — йиртқич.  
**Дастор** — саяла.

Дахлу сарф — кйрм-чйкйм.  
Дашти Хито — Хитой чўли, Ти-  
бет ййлови (бу ернинг кийик-  
ларини, шахло ва қора кўзи  
билан мақталади).

Даҳан — оғиз.

Даҳр — дум'б.

Дег — қозон.

Дегжүш этмоқ — қозон қай-  
натмоқ.

Дийда — кўз; *дийдаи хунбор* —  
қонли кўз, қон ёшли, қонга  
тўлган кўз.

Дилафгор — дили яраланган,  
қалби жароҳатли.

Дилдор — дилтортар, яқин ки-  
ши, ёр.

Дили афсурда — кўнгли чўккан,  
эзилган.

Дилкушо — кўнгил очғучи.

Дилнавоз — кўнгилни эрка-  
ловчи.

Дилором — кўнгилни юпатучи.

Дилрабо — дил тортучи, гўзал ёр.

Дилтанг — юраги сиқилган.

Дилфигор — кўнгли яраланган.

Дирам — танга.

Додар — ука.

Долхоқ — адлу инсоф сўровчи;  
адолатни хоҳловчи; катта ман-  
саб.

Дом — тузоқ.

Доман — этак.

Доми зулф — соч тузоғи, жинг-  
галағи.

Дониш — билим.

Доғули хислат — алдоқчи, мак-  
кор.

Дузди бадбурот — мўйлови шоп-  
лай ўрри.

Дўма — амалдор, чиновник.

Дун — тубан, паст, пасткаш.

Дун (озарбайжонча) — тун.

Дур нисор — инжу сочучи.

Дурри тамкин — оғирлик, бо-  
сиқлик инжуси.

Дурри ғалтон — порлаб турган  
инжу.

Дуто — эгилган, букилган.

Дугун — тугун.

Душвор — қийин.

Дўна-дўна — қайта-қайта.

Дўсти зоҳир — кўринишда  
дўст.

## Ё

Ё — ёй, камон, ўқ.

## Ж

Жабин — пешана.

Жамжоҳ — Жамшиддай улур  
мартабалик.

Жарас — кўнғироқ, секин овоз-  
ли кўнғироқ.

Жилвагар — жилва қилучи.

Жовидон — доимий, абадий.

Жонбахш — жон бағишловчи.

Жондор (жандарм) — жандарма,  
миршаб.

Жониб — тараф, ёқ томон.

Жоҳ — мартаба, даража.

Жудилиғ кунжи — айрилиқ бур-  
чаги.

Жур'а — бир қултум, бир ютум.

Журм — гуноҳ, жиноят.

Жў — ариқ; оқим, сўзга боғла-  
ниб келганда хоҳловчи, жафо-  
жў — жафони хоҳловчи.

## З

Забун — оёқости, ерга урилаган,  
паст.

**Зарби рожи** — исте' молда бўлган пул.  
**Зард** — сариқ.  
**Зардолу** — ўрик.  
**Зару сийм** — олтин, кумуш.  
**Зарф** — идиш.  
**За'ф** — заифлик, кучсизлик.  
**Захм** — заха, яра.  
**Зебо** — ярашган, келишган, гўзал.  
**Зимистон** — қиш.  
**Зиндон саро** — зиндонга ўхшаш.  
**Зиннор** — бут.  
**Зину лажом** — эгар-жабдуқ.  
**Зиҳи** — қандай яхши (мақтов вақтида ишлатиладиган сўз).  
**Зоиқа** — маза билиш ҳисси, тилнинг учи, оғиз.  
**Зол** — кекса, кампир; Рустамнинг отаси.  
**Зог** — қарға.  
**Зоҳир ўлмоқ** — кўринмоқ.  
**Зулмхў** — одати зулм қилиш бўлган киши.  
**Зулф** — соч.

## И

**Ижтимо'** — бирга йиғилиш, тўпланиш.  
**Издихом** — бир ерга тўпланган халқ; оломон.  
**Изор** — чалвар, иштон.  
**Имтиёз** — афзаллик, устунлик.  
**Инжимақ** — озор топмоқ.  
**Инон** — жилов, юган.  
**Инс** — одам.  
**Интихоб** — танлаш.  
**Исо нафас** — ўткир нафасли.  
**Истеза** — аччиқ-тузуқ сўйлашиш, пичивг.  
**Ифшо** — фош қилиш, сир очиш

**Иҳтироз** — жирканиш, ўзини четга тортиш.  
**Иҳтисоб** — сўроққа туттиш, тергаш.

## К

**Кабк** — каклик; кабки дари — дара каклиги.  
**Кажрафтор** — тескари айлангучи.  
**Калом** — сўз, гап.  
**Кан'он** — Арабистонда қадимий бир шаҳар.  
**Канор** — қирғоқ, чекка.  
**Карруфар** — мақтанчоқлик, ҳашамат.  
**Ком** — оғиз; лаззат; мақсад; хоҳиш.  
**Ком'ёб** — баҳраманд, фойдаланган, лаззат топган.  
**Комжў** — маза қидирадиган, лаззатпараст.  
**Комрон** — бахтиёр, иши ўнгидан келган, мақсадига етишган.  
**Кору бор** — иш, тирикчилик.  
**Кофур** — оқ рангли хушбўй бир дору; комфара.  
**Каҳрабо** — сариқ тош (жунли нарсага суртилганда хас-чўйни ўзига тартади).  
**Килк** — қалам.  
**Кишвар** — ўлка, шаҳар, мамлакат; кишвари ҳусн — гўзаллик ўлкаси.  
**Кудурат** — қайғу, ғам.  
**Кулба** — хужра, уй.  
**Кулоҳ** — телпак, дўппи, дарвешлар бош кийими; кулоҳ тарфи — дўппининг чети.  
**Купес** (русча сўз — купец) — савдогар.

Кўй — қишлоқ, кўча.  
Кўс — катта ногара.  
Кўҳи ғам — қайғу тоғи.  
Кўҳсор — тоғлик ер.

## Л

Лайлу-ноҳор — кеча-кундуз.  
Лак — юз минг.  
Ла'л — қизил, қимматбаҳо тош.  
Ла'ли Бадахшон — Бадахшондан чиқадиган ла'л.  
Ла'ли ноб — тоза ла'л.  
Ла'ли суҳандон — сўз агучи ла'л (гўзалнинг лаби).  
Ла'ли хушоб — тиниқ ла'л (лабга ўхшатма).  
Ланг — оқсоқ, чўлоқ.  
Лағзиши мастона — мастлик жазабаси, ҳаракатлари.  
Лаҳжан гуфтор — ўз сўздан эшитилган сўз.  
Лол — соқов.  
Лоф рахши — мақтапчоқлик оти.  
Лоғар — озгин.  
Лисон — тил.  
Лутфу дониш — яхшилик, марҳамат ва билим.

## М

Мавзун қад — келишган гавда.  
Ма'во — жой, ўрин, уй.  
Мавҳум — ваҳимлар.  
Ма'дум — йўқолиб кетган, йўқ.  
Мазра' — экин жой.  
Майгун — май рангли, майдек қизил.  
Макрамаат — иззат, ҳурмат; олийжаноблик.  
Малаҳ — чигиртка.  
Малоҳат — гўзаллик, ёқимлилик.

Манзур — назарга олинган, назарда турган, мақбул.  
Марду-зан — эркак-хотин.  
Мардум — одамлар, кишилар, кўз қорачиғи; мардуми саҳро — қишлоқ халқи.  
Марқум — рақамланган, ёзилган.  
Маскан — тураржой, уй; маскани малоҳат — гўзаллик ўрни.  
Мастона по — мастларча қадам.  
Матлаб — сўралган, талаб қилинган нарса.  
Мат'ум — ейилиб кетган, ютилган, ҳазм бўлган.  
Махмур — маст.  
Машвараат — кенгаш.  
Машом — бурун, димоғ.  
Мақдам — қадам қўйилган ер, келиш; мақдамингиз юмнидин — қадамингиз баракатидин.  
Мақол — сўз.  
Мағмум — қайғили, ғамли.  
Маҳз — бекорчи, шундай.  
Маҳ (моҳ) — ой; маҳи тобон — порлоқ ой.  
Маҳлиқо — ой юзли.  
Маҳфил — базм, ўтириш.  
Мидҳат — мақтов.  
Мийно — вино шишаси, шиша.  
Меҳр — шафқат, қуёш.  
Мудово — даво.  
Мужгон — киприк.  
Мужибнн э'зоз — иззат қилишга лойиқ.  
Му'жиз баён — гўзал сўзли, ажойиб ифодали.  
Му'жиза пардоз — му'жизали, зийнатланган.  
Муанбар — анбарланган, атирланган.  
Мукаддар — қайғули.

**Муқаллид** — тақлид қилғучи, бир-  
ровга эргашучи, азкиячи.  
**Мулгамас** — илтимос.  
**Мунаввар** — порлоқ, ёруғ, нузли.  
**Муи'ин** — ни'ом беручи, тўйди-  
ручи.  
**Мунис** — ўрганишган, сирдош.  
**Мунтахаб** — танланган.  
**Мунфаил** — уялган, хижолатчи-  
лик.  
**Мунфаил айламак** — та'сирлан-  
тирмоқ, ҳавасини келтирмоқ.  
**Муолиж** — илож қилучи, даво-  
ловчи, табиб.  
**Муҳимми хайр** — яхшилик иши  
(тўй, гапу каштак каби).  
**Муртад** — қайтган, ўз динидан  
қайтган.  
**Мустажоб бўлиш** — бир тилак-  
нинг қабул бўлиши, ерига  
етиши.  
**Мутриб** — созанда, чолғучи.  
**Муфти** — фатво беручи (қози-  
хона адвокати).  
**Муфт** — текин.  
**Мухтасар** — қисқа қилиб айтил-  
ган, қисқартирилган.  
**Мушки тотор** — Тибет кийиги-  
нинг киндагидан олинадиган  
ҳидли бир нарса, ранги қора,  
шоирлар сочининг ҳидини шун-  
га ўхшатадилар.  
**Муғанни** — музиканг, чолғучи.  
**Монанд** — ўхшаш.  
**Мор** — илон.  
**Моҳ тал'ат** — ой юзди.  
**Моҳи маҳфил оро** — базилар-  
ни безагучи ой, гўзал.  
**Мочахар** — уррочи эшак.  
**Мўйи оташдийда** — ўтга туш-  
ган қил.

**Мў** — жун қил. мўй. соч; мўйи  
сар — бош туки, соч.  
**Мўр** — чумоли.

## Н

**Набз** — томир.  
**Надим** — хизматчи.  
**Надомат** — ўқиниш.  
**Нажжор** — дурадгор уста.  
**Назар афтода** — назардан туш-  
ган; кўз ташланган нарса.  
**Наззора** — қараш, кузатиш.  
**Нанг** — ор-номус.  
**Наргис** — бўта гул. (Шоирлар  
чиroyлик кўзини шу гулга ўк-  
шатадилар).  
**Насим** — шабада.  
**Нашот** — севинч.  
**Нигоҳ** — қараш.  
**Ним нигоҳ** — қийғоч қараш.  
**Нимшикан** — ярим синиқ.  
**Нисор** — сочиш.  
**Нисф** — ярим.  
**Ниш** — бирор нарсанинг ўткир  
учи.  
**Ниҳол қомат** — ўсмир кўчатдай  
қомат.  
**Ниҳон** — яширин.  
**Новак** — ўқ.  
**Нозук миён** — хипча бел.  
**Ноком** — орзусига етмаган, мақ-  
садига етмаган.  
**Нори жаҳим** — жаҳаннам олови.  
**Носиҳ** — насиҳат қилучи.  
**Нузҳат** — хурсандлик, кўнгила  
очиш.  
**Нуш** — ичиш.

## О

**Об** — сув; оби саффо — тоза сув  
**Оби ҳайвон** — тириклик суви.

**Обшор** — шаршара; сероб.  
**Ойин** — қоида, расм-русум.  
**Олуда доман** — этаги булғонган.  
**Ораз** — юз.  
**Осиб** — зиён, захмат, қийналиш.  
**Осиё** — тегирман.  
**Остин** — енг.  
**Осуда** — тинч.  
**Оташ** — ўт.  
**Оташбор** — ўтли.  
**Ош арус** — никоҳ тўйи.  
**Ошуб** — тўполон.  
**Оғушта** — аралашган.  
**Оҳи сард** — қаттиқ тортилган оҳ.  
**Оҳуйи чин** — Хитой кийиги.

## П

**Падархон** — отахон.  
**Пайкар** — гавда.  
**Пайкон** — ўқ.  
**Паймон** — ва'да, сўз бирлиги.  
**Паймона** — пилёла, қадаҳ.  
**Пайгом** — хабар, дарак; пайгоми манзума — назм блан ёзилган хат.  
**Парирў** — пари юзли.  
**Пари кирдор** — қилиғи парига ўхшаган.  
**Партави рухсор** — юз тобланиши.  
**Пеша** — ҳунар, касб.  
**Пешу-пас** — олдин-кейин.  
**Пой** — оёқ.  
**Поймол** — оёқ ости.  
**Полиска** — полиция  
**Пур** — тўла; пур анвор — нурга тўла.  
**Пурзўр** — кучли, кучга тўлган.  
**Пурмул** — лиммо-ливи, тўла май.

## Р

**Рам** — дуркиш, чўчиш, қочмиш.  
**Рамида** — дурккан, чўчиган.  
**Рафтёр** — юриш.  
**Рахш** — от.  
**Реву ранг** — ҳийлаю макр.  
**Реза** — увоқ, майда.  
**Реза-реза** — майда-майда.  
**Ридо** — мусулмон рудонийларининг бўйнига солиб юрадиган оқ рўмоли.  
**Риё** — иккиюзламалик.  
**Ринд** — нозик табиат, бепарво.  
**Ришта** — ип.  
**Риҳлат** — кўчиш, сафар.  
**Ризвон** — жаннат, бог.  
**Руқ'а** — мактуб, хат.  
**Руҳпарвар савт** — ёқимли овоз, ашула.  
**Рух** — юз.  
**Рухсор** — юз.  
**Руҳ афзо** — жон бағишлолчи.  
**Робита** — алоқа, боғланиш.  
**Роз** — сир.  
**Рози дил** — юрак сири,  
**Рўгардон** — юз ўгирган, тесмари-турган  
**Рўзи ҳижрон** — айрилиқ кун  
**Рўсияҳ** — юзи қора.

## С

**Сабо** — тонг ели.  
**Сабунбор** — енгилтак, юни енгил.  
**Савсан** — гулсапсар.  
**Сам** — захар.  
**Само'** — эшитиш.  
**Сангдил** — тош кўнгила.  
**Сангсор** — тошбўрон.  
**Сарандоз** — уялган, хижолатда қолган.

**Сарафроз** — боши баланд, се-  
винган.  
**Сарвиноз** — тик қоматли дарахт  
(шоирлар хуш қомат гўзаллар-  
ни шу дарахтга ўхшатади-  
лар).  
**Сарви саҳи** — тик қоматли сарв.  
**Сарви хиромон** — гўзал юриш-  
ли сарв (бундан мақсад: кома-  
ти келишган, гўзал юришли,  
севикли).  
**Саргашта** — саргардон, боши ай-  
ланган.  
**Саро** — 1) сарой сўзининг қис-  
қаргани; 2) куйловчи.  
**Сартопо** — бошдан-оёқ.  
**Саршор** — бир пиёланнинг тўқи-  
ладиган даражада тўлалиги;  
лиммо-лим тўла; маст. ўта  
маст.  
**Сафиджомо** — оқ кийим, оқ тўн-  
ли.  
**Саҳо** — саҳилик, қўли очиқлик.  
**Сахт** — қаттиқ.  
**Саҳбойи жунун** — тентаклик  
майи, жиннилик.  
**Сиймбар** — кумуш тан, оқ ба-  
дан.  
**Сиришк** — кўз ёши.  
**Сойил** — гадои, тиланчи.  
**Сомон** — бойлик, куч, тартиб,  
тивчлик.  
**Сонмоқ** — тахмин қилимоқ.  
**Соғар** — қадаҳ.  
**Соҳиб афғон** — фиғон ағвси.  
**Субҳ** — тояғ; субҳи васл —  
етишув тонги.  
**Субҳа** — тасбиҳ; субҳа гардон-  
лик — тасбиҳ ўғиришлик.  
**Суд** — фойда.  
**Сукун** — турғунлик.  
**Сулс** — учдан бир.

**Сунбул** — қора райҳонга ўхшаш  
бир кўкат.  
**Суфлапарвар** — пастларни тар-  
бияловчи.  
**Сухан** — сўз.  
**Суҳбат оро** — суҳбатни безовчи,  
қизитучи.  
**Сўз (сўзиш)** — куйиш; сўзи  
дил — дил куйиши.  
**Сўзон** — куйган, ўртанган.  
**Сўй** — тараф; сўйи само—осмон  
томонга қараб.

## Т

**Таббу тоб** — бадан ҳарорати,  
иситма.  
**Тавалло** — ялиниш.  
**Тажаммул** — тантана, безак, гў-  
заллик.  
**Тазаллум** — зулм қилиш.  
**Такаллум** — сўзлаш.  
**Тамиз** — бир нарсага фаҳми  
етиш, ажратабилиш.  
**Таноб** — узунлик ўлчови бўлиб  
тахминан  $\frac{1}{6}$  гектар; эски вақт-  
да таноб бошидан олимпиаган  
солиқ.  
**Тар** — ҳўл, янги.  
**Таргашта** — ҳўлланган.  
**Тариқи ма'далат** — адолат қои-  
даси.  
**Таррор** — ўғри, қисавур.  
**Тарсо** — христиан.  
**Тафриқа** — келишмовчилик, тар-  
қоқлик.  
**Тахти малоҳат** — гўзаллик тах-  
ти.  
**Тахти Сулаймон** — Жалолобод  
шаҳарига яқин бир жойнинг  
илгари вақтдаги номи.  
**Тахолуф** — қарама-қаршилиқ.  
мос келмаслик.



**Тагофул** — ўзини гафлатга солиш, анқовсираш; тагофул пеша — анқовсировчи, билиб-билмасликка соладиган киши.

**Таҳ-батаҳ** — қатма-қат.

**Таҳамтан** — Фирдавсий „Шоҳнома“сининг бош қаҳрамони Рустамнинг лақаби, ботир, қаҳрамон.

**Тийр** — ўқ; тийри мужгон — киприк ўқи.

**Тийра** — қоронғи; тийра айём — қоронғи кун.

**Тиғи бениём** — қинсиз қилич.

**Тиғи буррон** — ўткир қилич.

**Тиғи дудам** — икки ёқлама ўткир тир.

**Тобистон** — ёз

**Тобон** — порлоқ, нурли.

**Торик** — қоронғи.

**Тош** — километр сингари узунлик ўлчов (бир тош — тахминан 8 километр)

**Тоқат гудоз** — тоқатдан ташқари, чидаб бўлмайдиган.

**Тужжор** — савдогарлар.

**Тундхў** — кўрс қилиқли.

**Турра** — жингалак соч, кокил.

**Туршлик** — аччиғлик.

**Турфа** — ажиб, қизиқ.

**Турро** — белги, нишон, герб.

**Ту'ма** — овқат, емак.

## У

**Узор** — юз.

**Уммисиб'ён** — афсонага кўра, „Болалар онаси“ деб номланган дев бўлиб, у болалар касалига сабаб бўлар эмиш.

**Урушжў** — урушқоқ.

**Усру** — ғоят, жуда ҳам кўп

**Устивор** — маҳкам, асосли.

## Ф

**Фар'ёдрас** — фар'ёдга етучи.

**Фаррош** — супуручи, куча суғирадиган ходим.

**Фатҳи боб** — эшик очиш.

**Фикри салим** — соғлом фикр.

**Фе'ли бад** — ёмон қилиқ.

**Филжумла** — бир нав'.

**Филмасал** — мисолда келтирилганлари каби.

**Филҳақиқат** — чинакам.

**Фирдавс** — жаннат, боғ.

**Фориғ** — бўшаган.

**Фором** — ёқинли.

**Фузуун** — ҳаддан зиёда, ортиқ.

**Фурқат** — айрилиқ.

**Фусунсоз** — ҳийлагар.

## Х

**Хаданг** — ўқ; хаданги новак — киприк ўқлари.

**Хайл** — тўда, гуруҳ.

**Харнш** — кўтур.

**Харта** — халта.

**Хасм** — душман, ёв.

**Хатм** — тугалиш, тугатиш.

**Хешу-табор** — қариндош-уруғ.

**Хижил** — хижолат, уялиш.

**Хил'ат** — тўн, кийим-бош.

**Хиром** — юриш, чиройли юриш.

**Хирқа** — йиртиқ-ямоқ кийим-бош.

**Хислати хуш** — яхши ҳислат, яхши қилиқ.

**Хисрав** — подшоҳ, машхур Эрон шоҳи.

**Хоб** — уйқу.

**Хои** — тупроқ; хои сиёҳ — қора тупроқ.

**Хома** — қалам.

**Хон** — дастурхон.

Хор — тьякан.  
Хоро — тош.  
Хубон — гўзаллар.  
Хун — қон.  
Хунрез — қон тўкучи.  
Хурд — кичик.  
Хуршид — кўёш  
Хуш имло — чиройлик ва хато-  
сиз ёзиш.  
Хуштар — яхшироқ.

#### Ч

Чарранда — ўт егучи қайвонлар.  
Чарх — осмон.  
Чистон — жумбоқ.  
Чокар — хизматчи.  
Чоки грибон — ёқа йиртиги.  
Чораи беҳбуд — соғайиш, яхши-  
лик чораси.  
Чор чашм — тўрт кўз.  
Чоҳи занахдон — кулгандаги  
бақбақа чуқури.  
Чуғз — бойўғли, бойқуш.

#### Ш

Шаб — кеча, тув; шаби тор —  
қоронғи кеча.  
Шаккарбор — шакар маза бера-  
диган.  
Шам'и шабистон — базм кеча.  
ларининг шам'и.  
Шамшири дудам — икки томон-  
лама ханжар, дудам.  
Шароби арғувон — қизил май.  
Шарҳ — изоҳлаш; шарҳи роз —  
сирни сўйлаш.  
Шафи' — шафоат этучи, воси-  
тачи.  
Шаҳд — бол; шаҳд мазоқ — бол  
маза берадиган.  
Шикор — ов.

Шони фироқ — айрилиқ оқишони.  
Шаҳид — кўрган, гувоҳ.  
Шўрида ҳол — аҳволи паришон,  
мушкул.  
Шўриши маҳшар — қиёмат гов-  
гаси.

#### Э

Эрам — афсонавий бир бог.  
Эсор — сочиш, бағишлаш.

#### Я

Якбора — бирданига.  
Яксон — бир хил, бир текис.  
Я'с — қайғу, ма'юслик, мотам.

#### Қ

Қабо — узун камзул; узун уст  
кийим.  
Қазаф — саҳро, кенг чўл.  
Қаноат пеша — қаноатли.  
Қатл — ўлдириш.  
Қой — анорнинг бир хили.  
Қорун — афсонавий бадавлат  
киши.  
Қосид — хабарчи.  
Қотин саффо — сафрони кесади-  
ган.  
Қошиқдон — кичкина сават, ба'-  
зи ерларда қаймоқдон.  
Қисмат — насиба, улуш.  
Қудум — қадамлар.

#### Ғ

Ғазабнокона — ғазабланган ҳол-  
да.  
Ғамгудоз — қайғидош.  
Ғам парвард — қайғида ўсган.  
Ғани — бой.  
Ғатмо — серсув.  
Ғизо — овқат.

**Ғоза** — юзга суртлалдиган қизил  
ранг.

**Ғул** — кишан, занжир.

**Ғулу** — ғовға, шов-шув.

**Ҳ**

**Ҳабс** — қамоқ.

**Ҳадар** — бекорға, беҳуда сарф  
бўлиш.

**Ҳадаф** — нишона, мўлжал.

**Ҳалда-имкон** — мумкин қадар.

**Ҳаёти жовидон** — абадий ҳаёг.


**Ҳажр** — айрилиқ.

**Ҳангом** — пайт, вақт.

**Ҳарсў** — ҳар тарафга.

**Ҳилал** — янги ой.

**Ҳумро** — қизил.





## МУНДАРИЖА

---

Муқимий . . . . .	5
-------------------	---

### ҲАЖВИЙ АСАРЛАР

Танобчилар . . . . .	11
Заводчи бой та'рифида . . . . .	15
Туй . . . . .	19
Вексель . . . . .	24
Воқияи кўр Ашурбой ҳожи . . . . .	26
Чойфуруш . . . . .	29
Додҳоҳим . . . . .	30
Уруф . . . . .	31
Баччағар . . . . .	33
Авлиё . . . . .	35
Девонаман . . . . .	36
Кўсаман . . . . .	37
Тар мевалар . . . . .	39
От . . . . .	41
Гап тўғрисида гап . . . . .	43
Араванг . . . . .	45
Ароба . . . . .	46
Лой . . . . .	47
Шикояти безгак . . . . .	48
Фонус . . . . .	49
Дар сифати асби Тожи тилграфчи . . . . .	50
Ҳожи қадоқчи . . . . .	51

### САЁҲАТНОМА

Қўқондан Шоҳимардонга . . . . .	55
Қўқондон Фарғонага . . . . .	58
Қўқондан Исфарага . . . . .	60

## МАКТУБЛАР

Тошкентга назм блан хат . . . . .	67
Пайғоми манзума . . . . .	69
Бор эди . . . . .	70

## ҒАЗАЛЛАР

Навбахор . . . . .	75
Айлэдинг кетдинг . . . . .	76
Толини . . . . .	77
Бир менму? . . . . .	78
Шитоб айлаб . . . . .	79
Ақлу ҳуш . . . . .	80
Зулмила қаҳру ғзаб . . . . .	81
Жаҳон боғида . . . . .	82
Қайга борай? . . . . .	83
Ол хабар . . . . .	84
Бир келиб кетсун . . . . .	85
Ер ила . . . . .	86
Аввалда кўрмасамчи . . . . .	87
Қачонгача . . . . .	88
Хушламас . . . . .	89
Кам . . . . .	90
Сиз . . . . .	91
Ўхшайдур . . . . .	92
Келдим . . . . .	93
Ери бор . . . . .	95
Сайри бор . . . . .	96
Кўзларинг . . . . .	97
Зор айладинг сен ҳам . . . . .	98
Яна . . . . .	99
Анор . . . . .	100
Ул маҳлиқо келсун . . . . .	101
Интизор этди мени . . . . .	102
Ра'нолиғинг бордир . . . . .	103
Якка бу Фарғонада . . . . .	104
Ошиқлиғ фаним . . . . .	105
Согиниб . . . . .	106
Нигори маҳваш . . . . .	107
Суратинг . . . . .	108
Этсанг нетар . . . . .	109

Айрилмасун . . . . .	110
Меҳрингиз . . . . .	111
Бормукин . . . . .	112
Қилма кўп . . . . .	113

### МУРАББА'ЛАР

Кўнглим сендадир . . . . .	117
Юзни ойдек . . . . .	119
Э чеҳраси тобоним . . . . .	121
Ёдимга тушди . . . . .	123
Айладинг . . . . .	125

### МУҲАММАСЛАР

Айрилиб . . . . .	129
Ким десун . . . . .	131
Десаиғчи . . . . .	133
Айрилмасун . . . . .	135
Мунча ҳам . . . . .	137
Офарин . . . . .	139
Нигорим . . . . .	140
Керак . . . . .	142
Нома ёзмадинг . . . . .	144
Орзу . . . . .	146
Ҳафалак қишлоғи тўғрисида . . . . .	148
Кўзларинг . . . . .	150

### ИЗОҲ ВА ЛУҒАТ

Изоҳлар . . . . .	155
Луғат . . . . .	161

Рассом *И. Икромов*  
Техредактор *П. А. Уланский*  
Корректор *М. Рустамов*

\* \* \*

Термига берилди 19/VIII 1953. Босишга  
ружгат этилди 11/IX 1953. Р 06209. Қогов  
84×108/32 — 2,75 қоғоз л. — 9,02 босма  
л. Настр л. 4,8. Договор № 91 — 53. Ти-  
ражи 25000. Баҳоси 4 с. 90 т.

\* \* \*

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиз-  
латининг 1-нчи босмахонаси. Тошкент.  
Ҳамза қучаси 33. 1953. Заказ № 241